

Ҳабибуллоҳ хожи
РАҲМАТУЛЛАЕВ



ОТАМНИНГ РИВОЯТЛАРИ

"Отамнинг ривоятлари" - бу ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган тўқима ҳикматларгина эмас. Балки, муаллифнинг ҳаётни кузатиш жараёнида туғилган ибратли воқеий ҳикоялар ҳамдир. Доноларимиз айтганларидек, "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё". Китоб руҳан юксалиш ва покланиш сари чорлайди, мукаммал инсонликка даъват этади.

Кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

НГ 299-653,75-490,800 2003 и
300-5,0(03)-03

© Х. Раҳматуллаев. Отамнинг ривоятлари
"Наманган" нашрети.

Муаллиф сўз бошиси

*Ассалому алайкум, мухтарам китобхон!
Амру маъруф, яъни яхши, эзгу ишларга буюриш ва Наҳий муркар, яъни ёмон ишлардан қайтариш Аллоҳ таолонинг фарз (мужбурий) амалларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон одам оила аъзоларини, таниш-билиш, қариндош-уруғларини, қолаверса, ҳамюртларини ҳамиша яхши ишлар, солиҳ амаллар қилишга бошлаши, ёмон, гуноҳ ишлар ва жинойтлардан қайтаришни зарур. Айниқса юртимиз мустақил бўлиб, миллий кадриятларимизга қайтилаётган, миллий мафкура кенг тарғиб этилаётган ҳозирги пайтда бу алоҳида аҳамият касб этади.*

Каминна ҳам кўп йиллар мобайнида Падари бузруквордан, бошқа уламо-фузалоларимиздан эшитган, қадимий манбалар орқали танишган ахлоқий-маърифий ривоятларни тўплаб, сиз азиз ўқувчига тухфа этмоққа жазм қилдим. «Отамнинг ривоятлари» деб номланган ушбу китоб сизни яхши ишларга, ахлоқий фазилатларга чорласа, гуноҳ ишлардан

*қайтарса, муаллиф ўз мақсидини яшигани
бўлур эди. Аллоҳ таоло барчамизни ҳидоят
йўлига бошласин, аждодларимиз турмуш
тарзидан ибрат олиб, ҳамшира хайрли ва
солиҳ ишлар қилишни насиб этсин! Омин ۋ
Роббал-оламни!*

Хабибуллоҳ хожи Раҳматуллаев.

Туз ҳаққи

Қадим замонда бир улуг ва одил подшо ўтган экан. У ҳар бир сўзи ва амалини мулоҳаза билан юритар, ўз халқига содиқ экан.

Кунлардан бир кун тонг саҳарда подшоҳга газнага ўғри тушганини хабар қилишибди. У вазири билан воқеа содир бўлган жойга етиб борибди. Ҳазинага лаҳм қавланган, ҳамма олтин ва қимматбаҳо буюмлар қоп ҳамда халталарга жойланган, лекин ҳеч нарса ўғирланмаган экан. Подшоҳ ҳайрон бўлиб ҳазинани тафтиш қилдирибди. Ҳақиқатдан ҳам ҳеч нарса йўқолмаган эди. Подшоҳ лол бўлиб дебди:

"Наҳот шунча кун лаҳм қавлаб газнага етиб келган инсон ҳеч нарса олмаса? Бунинг боиси не?" Бу муаммога ҳамма ҳайрон. Шунда шоҳ жар чақиртириб дебди: "Ким шу ишни қилган бўлса гуноҳидан ўтдим. Фақат ҳеч нарса ўғирламаганининг сабабини айтиб берса бас".

Орадан уч кун ўтиб подшоҳ ҳузурига бир йигит келибди. Унинг одоби ва юзидаги қатъийлик подшоҳга хуш келибди. Йигитнинг ҳолатини сўраганида, у дебди:

- Подшоҳим, аввало мен гуноҳкорни бир қошиқ қонимдан кечинг. Сизнинг газнангизга ўғирликка кирган менман. Чунки муҳтожлик мени шунга мажбур қилди. Асли ўғри эмасман, касбим савдогарлик. Бор мол-мулкимни қароқчиларга олдириб камбағал бўлиб қолдим. Мусофирман, савдогарликдан бошқа касбим йўқ. Сармоям қолмаганлиги сабабли савдо-сотик ишлари билан шугулланолмайман. Ўйлаб-ўйлаб ҳазинангизга ўғирликка тушишга жазм қилиб, бир неча кун лаҳм қавлаб у ерга кирдим. Бор бойлигингизни қоп ва халталарга жойладим. Қарасам, ерда бир оқ нарса турибди. Нима экан бу, деб ҳидлаб ва ялаб кўрдим. Билсам, туз экан. Шунда отам насиҳати эсимга тушди: "Туз ичган жойингга хиёнат қилма - хароб бўласан!" Мен шунча лаҳм қавлаб қилган ҳаракатимдан кечиб, газнадан чиқиб кетдим.

Подшоҳ сукут сақлаб сўнгра дебди:

- Эшитинг, эй, вазир ва нозирларим! Шу йигит бир ялам туз учун менга шунча содиқ экан. Бугундан эътиборан шу бола менга ўғил ва меросхўр, мендан кейин тахт вориси ҳам шудир. Чунки неча йиллар тузим

ва-шоҳона дастурхоним меҳмонлари менга қилчилар хиёнат қилдилар, улар ҳеч қачон шу йиғитчилик вафодор бўла олмайдилар. Эй ноибларим! Шу йиғитдан ўрناق олинг, охири бахайр бўлгай.

Ана, азизлар, туз ҳаққи қанча экан? Минг вифоуски ватан хоинлари, террорчиларнинг айримлари ҳам бизнинг юртимиздан чиққан. Шулар ҳам давлатимиз тузини ичган, бепул мактабларда ўқиган, касалхоналарда бепул даволанган. Қисқаси улар давлат имтиёзларининг барчасидан фойдаланганлар. Халқимиз тузи уларни кўр қилмайдими? Қайси дин, қайси муқаддас китоб ватан хоинларини оқлаган? Уз юрти тузи-нонини еб ўзга юртга бориб ўз юртига тош отиш ўз туздонига тупуришнинг ўзи эмасми?

Ислом динида инсон учун берилган энг ёмон баҳо хиёнат ва мунофиқликдир. Бақа ҳам ўз ботқоғини мақтар экан, чунки ўша кўлмак сув ёки ўша ботқоқ бақанинг ватани. Ватан хоинлари бақачалик ҳам эмасми?

Халол ризқ

Қадим замонда ўта инсофли халол, ҳуш бобида ҳавас қилгудай, давлати етти авлодига етгудай бир савдогарзода ўтган экан. У умрини тижоратда ўтказар экан. Бир куни савдо билан Бағдодга бориб бир гадо қизга ошиқ бўлиб қолибди. Савдогар дил изҳорини билдирибди. Шунда қиз иштиёри отасидалигини айтибди. Савдогарзода Бағдоддаги гадолар сардори - қизнинг отаси мулла Усмонга йўлиқибди ва қизининг қўлини сўраб қанча бойлик бўлса беришлигини сўзлабди.

Гадолар бошлиғи бир кулиб савдогарзодадан ўз молидан қанча фоиз фойда олишини сўрабди. Савдогарзода 10-15 фоизлигини айтибди. Шунда гадолар бошлиғи савдогарзодани масхараляб:

- Эй, йиғит! Сен нодонга қиз бераманми? Шаҳарма-шаҳар юриб шу фойдани фойда деяпсанми? Мана қдр, мен сенга кўрсатай. Еч кўлингдаги узугингни. Унинг баҳоси қанча? - дебди.

Савдогарзода узук баҳосини болали тун баҳосида белгилабди.

- Яхши, - дебди гадо, - энди узугингни эртга мен айтган жойдан оласан.

Гадо жума куни жуда катта жамоат йиғиладиган Абдулқодир Жийлоний масжидига бориб роса жамоат тўпланганда имомга баланд овозда мурожаат қилибди:

- Эй, имом! Мен ушбу шаҳарнинг фақир бир гадосиман. Умрим ночорликда ўтди, лекин ҳалол яшадим. Мана бу узукни 3 кун олдин топиб олдим. Айтишларича жуда қиммат турармиш. Лекин менга харом керак эмас. Фақат мен ўғил уйллатишим ва қизимни турмушга беришим керак. Шаҳримиз мўминларига айтсангиз, масжид дарвозаси олдида рўмол ёзсам, бақадри хол мен бечорани қуруқ қўйишмас, - дебди.

Бу гапларни эшитган мўминлар жуда таъсирланишиб, гадонинг ҳалоллигига қойил қолишибди ва намозни ўқиб бўлишиб ҳаммалари унинг белбоғига пул ташлашибди. Жуда катта пул йиғилибди.

Кечкурун гадо савдогарзодани уйига чақирибди ва пулни кўрсатиб дебди:

- Эй, савдогарзода! Мана кўр - сен сафар машаққатида қийналиб, жон бериб, жон олиб 10-15 фоиз фойда қиладиган бўлсанг, мен ҳеч қийналмай бир кунда қанча пул топа оламан. Энди сен мана бу пулдан олиб масжидга бор. Имомга учра, бу пуллардан суюнчи деб бер ва узугингни қайтариб ол ва бизга қўшил. Шунда қизимни сенга бераман.

Шунда савдогарзода айтибди:

- Эй, алдоқчи! Бутун авлод-аждодим ҳаққи-ҳурмати мен кечдим сен нобакорнинг қизидан ҳам, қимматбаҳо узугимдан ҳам. Менинг ота-боболарим ҳалол савдогар эдилар, мени ҳалол овқат билан боқдилар. Мен ҳам ҳалол оиладан уйланиб Аллоҳ фарзанд берса уларни ҳалол таом билан боқсам, - деб ўз молларини йиғиб ушбу шаҳардан чиқиб кетган экан.

Мана, азишлар. Бир қозон ҳалол таомга бир томчи харом тушса бир қозон таом ҳаммаси харом бўлади-ку. Эй, Аллоҳ! Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда туғилган фарзандларимизга ҳалол ризқ берки, келажагимиз порлоқ бўлсин!

Китоб ва ҳаёт

Қадим замонда бир олим хотинларнинг макри ҳақида китоб ёзиб, эркакларни уларга алданмайдиган

қилмоқчи бўлибди ва 30 йил хотинлар макри устида ишлаб, беш томли китоб ёзибди. Китобини тугатиш олдида шамол бўлиб, китоб варақларининг бир нечасини учуриб, қўшни ҳовлисига туширибди.

Олим китоб варақларини олиш учун қўшинининг эшигини қоқибди. Ичкаридан аёл кишининг "кираверинг" деган овози эшитилибди. Олим ичкарига кирса, қўшнининг хотини кулиб варақларни ўқиб турган эмиш.

Аёл олимни шундай ҳурмат билан кутиб олибдики, олим гаранг бўлиб қолибди. Аёл ҳозир эри келишини, агар олим бир пиёла чой ичмай чиқиб кетса, эри жуда ҳафа бўлишини айтиб, уни уйга таклиф этибди ва тезда дастурхон тайёрлабди. Олим ўтириб қолганини билмай қолибди. Аёл ош тўла товоқ олиб кириб қўйибди ва "қани, олинг, ҳозир эрим ҳам келади" дебди.

Олим энди бир ошам ош еган экан, эшик тақиллаб қолибди. Аёл "Вой қўшнижон! Мен билмасдан эшикни қулфлаб қўйибман. Энди нима қиламиз? Эрим нима деб ўйлайди?! Тез сандиққа кириңг!" дебди.

Олим бечора нима қилишни билмай сандиққа кирибди ва аёл кўрпачаларни унинг устига йиғиб қўйибди. Бориб эшикни очса, эри уйга кириб, хотинини сўқибди. Хотини эса: "Эҳ эржон! Қўшнимизни биз яхши одам десақ, бало экан. Қаранг, бизни уйга бостириб кириб, менга тегажоглик қилди. Шармайдил бўлмайллик деб, мен уни алдаб олиб ўтирибман". Эрининг кўзи қонга тўлди: "Қани у?!" Хотин сандиққа ишорат қилибди. Эр жаҳл билан сандиқ устидан энди иккита кўрпача ағдарган экан, хотин юмалаб кула бошлабди. Эр ҳайрон бўлиб "Нега куляпсан?" деб сўрабди. Хотин: "Эҳ, эржон, шунча ҳам содда бўладими одам! Шў гапимга ишондингизми? Қўшнимиз олим бўлса, у қилган ю, биз қаерда. Мен ҳазиллашдим", дебди. Эр жаҳлдан тушиб, "Шундай ҳам қалтис ҳазил қиласанми, нодон?" дебди ва ошни еб тушлик қилиб далага жўнабди.

Эр кетгач, хотин сандиқни очиб олимни: "Энди чиқинг. 30 йил нима ўргандингиз? Биз аёлларимиз. Бизнинг макримизни ёзиб тугатиш учун бир неча ўмр ҳам камлик қилади", дебди.

Олим сандиқдан қалтираб чиқибди, зорланган ҳолда аёлларни камситиб китоб ёзмасликка сўз берибди.

Биринчи бало

Қадим замонда бир содда меҳнаткаш деҳқон ўтган экан. У доим "Эй Аллоҳ! Бизни сув балосидан ва ўт балосидан асра!" деб тилаб юрар экан.

Кунлардан бир куни унинг хотини Зайнаб озроқ ҳазиллашиб "Эй содда эр! Худодан тилаганингизда "хотин балосидан ҳам асрагин" деб кўшиб кетинг", дебди. Шунда эр "Хотинда бало нима қилади" дебди. Хотин кулибди ва эртаси куни бозордан 4 та балиқ олиб, эри кўш ҳайдайдиган йўлига кўмиб қўйибди.

Деҳқон кўш ҳайдаб турса, омоч тагидан балиқлар чиқиб қолибди. У гоят хурсанд бўлиб хотинини чақирибди:

- Эй хотин, Оллоҳни берганини қара, тезда кечки тушликка пишириб олиб кел - дебди.

Хотини "Хўп бўлади" деб, балиқни олиб уйга жўнабди. Деҳқон ўз иши билан машғул бўлибди.

Кеч кирибди. Афсуски, қовурилган балиқдан дарак йўқ эмиш. Деҳқон роса чарчаб, қорни очиб уйга келса, хотини қошига ўсма қўйиш билан овора эмиш. Деҳқоннинг роса жаҳли чиқибди ва бақирибди:

- Эй нопок хотин! Шунчалик ҳам дангаса бўласанми? Қани балиқ, мен очман!

Хотин ҳайрон бўлиб:

- Қанақа балиқ? - дебди.

- Ахир омоч тагидан чиққан балиқчи? - деб деҳқон хотинини ура бошлабди.

Хотини товушининг борича додлабди. Тез орада қўшнилари йиғилибди ва эру хотинни ажратиб, хотиндан нима бўлганини сўрашибди.

- Э, асло сўрамангиз, азиз қўшнижонлар. Эрим баъзида телба бўлиб қолади. Нима деётганини ва нима қилаётганини ўзи билмайди. Ишонмасангиз ўзидан сўранг.

Эридан сўрашса, содда деҳқон бор воқеани қўшниларга айтиб берибди.

Қўшнилари роса кулишибди ва Зайнабнинг гапи ростлигини англашибди. Ахир ердан балиқ чиқмайди-ку. Зайнаб "эрим тезда ўзига келади, фақат ҳозирча оёқ-қўлини боғлаб кетинг" дебди. Улар бегуноҳ деҳқонни роса уриб, оёқ-қўлини боғлаб, "Шундай телба

киши билан чидаб яшаётганингиз учун раҳмат сина,
Зайнабхон" деб, чиқиб кетишибди.

Зайнаб қаҳ-қаҳлаб кулиб:

- Қандай бўлар экан хотин балоси? - дебди.

- Эй худо, сув узокроқда, ўт узокроқда! Аввало хотин
мақридан, кейин сув ва ўт балосидан асрагин! - дебди
бечора эр.

Зайнаб кулиб, оилада ўз ўрни борлигини, эрни эр
қилувчи ҳамда қаро ер қилувчи ҳам хотин эканлигини
айтиб, эрини ечиб, ундан кечирим сўрабди.

Эй эрақлар! Биз мақтанамиз, оила бошимиз деб,
афсус, бўйинни эсдан чиқарамиз. Бўйин ким? Бўйин
хотинларимиз. Бошни кўтариб турувчи, у ёққа, бу ёққа
бурувчи, Оллоҳ асрасин, ерга қаратиб қўювчи ҳам
бўйиндир. Оллоҳ ҳаммамизга вафодор бўйин ато қилсин.

Ҳалоллик ажри

Ривоят қилишларича Абдулқодир исмли бир
меҳнаткаш йигит бўлиб, ўзининг тўғрисўзлиги ва
содаллиги билан элга машҳур экан. Унинг тинимсиз
ҳаракати ва меҳнатига яраша Аллоҳ ҳам деҳқончилигига
баракотни дариг тутмас, ҳосили доимо унумли бўларкан.
"Эй, Аллоҳим, мени элим қорига ярайдиган қил, шу юртда
кўз очдим, шу юртда кўзим юмилар, токи жасадим
тупроққа айланиб, тупроғи ҳам шу юртга хизмат қилсин",
деб тилар экан.

Кунлардан бир куни бой қўшниси ҳаж сафарига
бориб қайтибди ва икки ҳарам кўрганни жуда қизиқарли
қилиб сўзлаб берибди. Бундан Абдулқодирнинг юрагига
ҳаж муҳаббати тушиб астойдил заҳира тўплашга
киришибди. "Интиланга толе ёр" деганларидек холис
тиллаки кишиларнинг ниятига етишини Оллоҳнинг ўзи
вожиб айларкан. У мўлжалидаги заҳирани тўплаб, ҳаж
сафарига кетаётган бир карвонга қўшилиб йўлга
тушибди. Карвонда асосан бойлар бўлиб, улар
Абдулқодирни кўп мазах қилишар, у эса карвондаги
одамларга ёрдам қилар, тикилиб қолган араваларни
суриб чиқаришарди. Худди хизматкордай ҳамма ишга
ўзини урар, аста-секин барча уни ҳурмат қилди бошлабди.
Бироқ карвонбоши мазах қилишини қўймабди. Хуллас,
карвон эсон-омон Маккатуллога кириб борибди.

Ҳожилар ҳаж амалларини аста-секин бажариб орқага қайтишибди. Ҳамма енгил тортган, ўз амалларидан хурсанд бир кун йўл юришибди ва чарчаб дам олгани тўхташибди. Тунда карвонбошининг тили қичиб Абдулқодирни мазах қилмоқчи бўлибди: - Эй, йигит, мана биз билан ҳаж қилдинг, ҳаж амалларини бирга бажардинг, лекин ҳожи бўлганингга баротинг (ҳужжат) қани?

- Ия, қанақа барот?! - дебди Абдулқодир.

Карвонбоши мийғида кулиб дебди:

- Баротсиз ҳеч ким ҳожи бўлолмайди.

Абдулқодир бечора бу гапга лаққа ишониб, дод деб орқага қайтибди. Ҳамма орқасидан кулиб қолаверибди. Абдулқодир кўзидан шашқатор ёш оқизиб, бошини ҳарам остонасига қўйиб илтижо қилибди: - Эй, Аллоҳим мен бечорага раҳминг келсин. Мен ҳаром таомдан ҳазар қилдим, элим деб яшадим, элим корига доимо камарбаста бўлдим. Кўлимда боримни бева-бечорадан аямадим, наҳот мени баротдан қисдинг? Е менга ҳажим қабул бўлгани тўғрисида барот бер ёки жонимни ўз уйим остонасида ол. Ота-онам мендан рози бўлиб дунёдан ўтишган. Бутун қишлоқ аҳли йиғлаб дуо қилиб мени кузатишган. Ахир баротсиз улар олдига қандай бораман?

Бечора Абдулқодир беҳуш ухлаб қолибди. Шунда тушига пайғамбар Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам кирибди: "Эй, ўғлим, ғамнок бўлма, сен ўз эътиқодинг билан Оллоҳ раҳматига етишдинг. Насиб этса жаннатда мен билан бирга бўлурсан. Мана сенга барот, сенинг ҳажинг қабул, сенинг ҳурматингдан барча ҳожиларнинг ҳажи қабул бўлди. Энди тезроқ бор, сен қўшилган карвон анча узоқлашиб кетди".

Абдулқодир ўзига келиб кўзини очса кўлида барот. У ўзида йўқ хурсанд бўлиб Оллоҳга ҳамду-сано айтиб тагин ҳушидан кетди. Яна унинг тушига Муҳаммад пайғамбаримиз кирибди: "Эй, ўғлим яна сенга нима керак? Элим деб яшабсан, ҳимматингга балли. Оллоҳ элингни ризқини мўл қилди. Энди бор. Кўзингни оч, сен ўзинг келган карвондасан".

Абдулқодир шундай кўзини очса, карвон дам олаётган жойда пайдо бўлиб қолибди. Ҳамма хангу-манг, карвондагилар унинг кўлидаги баротни олиб кўзларига суртиб, Оллоҳга ҳамду-сано айтиб йиғлашармиш.

Ҳа, азиэлар! Тўғрилиқ, ҳалоллиқ Оллоҳ сенин бандаларнинг фазилатларидан. Оллоҳ уларни севди, улардан ҳеч нарсани аямайди. Инсонни масхаралаб кулиш, унинг устидан "сен дўзахи" ёки "жаннати" дёб мазаҳ қилиш яхши эмасдур. Ота-онанг сендан рози бўлса, элингда ўз ўрнинг бўлса, инсонга бундан ортиқ бахтнинг ўзи йўқдир.

Очкўзлик балоси

Ривоят қилишларича қадим замонда катта бир қишлоқда уч биродар бирга ўсишибди. Бирининг исми Абдукарим, иккинчисиники Абдуворис ва учинчисиники эса Абдусаттор экан.

Абдукарим оқкўнгил, меҳнатқаш, сахий ва олижаноб, Абдуворис ҳам ундан қолишмас экан. Абдусаттор эса уларнинг акси экан.

Уч дўст бир куни маслаҳатлашиб Оллоҳ уларни соғлиқдан, давлатдан қисмаганига шукрона айтишибди ва мусулмончиликнинг фарзи бўлмиш ҳаж сафарини ихтиёр қилишиб, юз тиллодан пул йиғишибди, бир қарвонга қўшилиб йўлга тушишибди. Улар юриб-юриб бир шаҳарга етишибди. Шунда Абдукарим: "Дўстларим, мана ҳаммамизда юз тиллодан пул бор. Келинглр олдин мен сарфлай. Менинг пулим тугагандан кейин, сизлар сарф айлангиз", - дебди.

Дўстлари рози бўлишибди. Оллоҳ уларни асраб, не-не кўргилиқлар билан Маккатуллоҳ зиёратига етиб боришибди. Уша ёрга етганда Абдукаримнинг пули тугабди. Навбат Абдуворисга келибди. Абдуворис ҳам ўз пулини керакли жойларга ишлата бошлабди. Эсон-омон ҳаж амалларини бажариб, ҳожи бўлиб ортга қайтишибди. Улар чўллардан ўтиб, узоқ юриб Искандария шаҳрига етиб келишганда Абдувориснинг ҳам пули тугабди. Навбат энди Абдусатторга келибди. Йўл ҳам ўз она юртларига яқин қолибди. Шу куни Абдусатторнинг кўнгли бўлинибди: "Ие, шунча пулни сарф қилиб юбораманми? Пулим йўқолиб қолди, десам бўлади-ку. Мана уйимизга ҳам яқин қолди. Буларни адаштириб бир амаллаб уйимга етиб борарман". Шайтон васвасаси уни йўлдан оздирибди, очкўзлиги ҳуруж қилиб ҳар нарсани назорат қилиб тургувчи Оллоҳни ёдидан

чиқарибди ва бир коса қатиқ билан юз тилло олтинни ютиб юборибди. Бир муддатдан кейин нафаси кисилиб, оламдан ўтибди. Ноилож дўстлари кўп қайғуришибди. Абдусатторнинг киссасини ковлашса ҳеч вақо чиқмабди. Ўзларидаги бор нарсаларни сотиб, Абдусатторни ювиб, кафанлаб расм-русумни ўрнига қўйишиб кўмишибди. Кейин эса карвонсаройга қайтишибди.

Қоринлари оч икки дўст узоқ ўйлашибди. Бу мусофир юртлардан ўз она қишлоқларига қандай етиб боришни ўйлаб, Абдукарим шеригига дебди: "Абдуворис, шу дўстимиз Абдусатторни Оллоҳ раҳмат қилсин. Шу тиллоларини қатиққа кўшиб ичиб юбормаганмикан. Ўлмасидан аввал ҳам тиллолар ёнида эди. Начора шу пул бўлмаса, уйимизга етолмаймиз. Кел қабрни очиб, Абдусатторнинг қорнини ёриб кўрамиз. Ишни ночорликдан қиламиз-ку. Оллоҳ кўриб турибди, ўзи кечирар ахир".

Икки дўст ҳеч илож топа олмай тонг саҳарда бориб қабрни очишибди. Не кўз билан кўришсинки, қабр ичида дўстининг ўрнида соҳибжамол бир қиз ётган экан. Унинг юзидан чиқаётган нурдан қабр ичи мунаввар экан. Мушку-анбар ҳиди келиб турган бундай гўзал қизни икки дўст умрларида кўришмаган эди. Шундай гўзал қизни яратган Оллоҳ қудратига тасанно айтишибди. Тушимизми ёки ўнгимизми? деб лабларини тишлаб кўришибди. Кўраётганлари айни ҳақиқатлигига ишонч ҳосил қилиб, "Эй, Оллоҳим, нақадар буюксан. Биз осий бандаларингни ўзинг кечир" деб, қизнинг икки қулоғидаги сирғаю, кўлидаги олмос кўзли узукни оҳиста олишибди. "Абдуворис дўстим, - дебди Абдукарим, - шундай мўъжизани Оллоҳ бизга кўрсатди. Охири бахайр бўлсин. Агар муҳтожлик мажбур қилмаганида, шуни ўлсам ҳам қилмасдим ва сенга ҳам қилдирмасдим". Улар қабрни аввалгидай кўмиб карвонсаройга қайтишибди. Бироз дам олишибди. Барибир очлик ғалаба қилиб, узукни бозорга олиб боришибди. Ҳамма заргарлар хайрон, ҳамма узукни томоша қилармишу, лекин нархлашга ботина олмас эмиш. Бозор тугаши вақтида бозор оқсоқоли келиб: "Эй, мусофир ҳожилар, ўғрисиз десам, ўрига ўхшамайсиз, тўғри десам бундай узук сизларда бўлмаган. Бу ерда ҳеч ким уни баҳолай олмайди. Агар рози бўлсангиз бир хуржун олтин берай",

дебди. Дўстлар рози бўлишиб узукни сотишибди. Улар Оллоҳга ҳамду-санолар айтиб, карвонсаройга келишибди. Яхши еб, яхши кийинишибди. Эҳсонни кўпайтиришибди. Бева-бечораларни одириб, кийинтиришибди.

Карвон яна йўлга тушибди. Узоқ йўл юриб, бир гайри динлар ўлкасига келишибди. Бу ўлка жуда обод, халқи тўқ, подшоси одил ва бойлари сахий экан. Шу ерда келганда карвонга илашиб келиб қолган бир ўғри олтин тўла хуржунни ўғирлаб кетибди. "Начора, дебди Абдукарим, Оллоҳ ўзи берди ва ўзи олди. Бизга насиб қилмаган экан. Энди исирғани сотиб пулини эҳтиёт қилмасак бўлмайди". Улар бозордаги машҳур заргарлик дўконига кириб исирғани кўрсатишибди. Заргар уни узоқ кўрибди ва дебди:

- Менинг пулим бу исирғага етмайди. Озгина сабр қилиб, шу ерда чой ичиб ўтиринглар. Мен бор пулим ва олтинларимни йиғиштириб келай, - деб чиқиб, тўғри шаҳар подшоси ҳузурига борибди.

- Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечинг. Мен бир неча йил хизмат қилиб, энг нодир тиллолардан қизингизга ясаб берган исирғани икки ўғри дўконимга олиб келишди. Мен уларни алдаб, устидан қулфлаб келдим, -дебди.

Подшоҳ дарғазаб бўлиб, "мендай улуг подшоҳдан кўркмай қизимни қабрини очибди. Наҳотки улар жаллод кўлидаги ўлимини шунчалар яхши кўришса", деб ўйлабди.

Мусофирларни олиб келишга бир неча миршабларни жўнатишибди. Улар икки дўстни шоҳ ҳузурига олиб келишибди.

Шоҳ дебди:

- Эй, йигитлар, наҳот менинг қизимнинг қабрини очган бўлсангиз. Қандай қилиб соқчиларни алдаб ўтдингиз ёки қизим қабрига лаҳм қавладингизми? Биласизми, сизларни қандай жазо қутаёттибди.

Йигитлар даг-даг титраб бўлган, воқеани сўзлаб беришибди.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб, вазирига қарабди:

- Гапларига ишонса бўладими?

Шунда вазир айтибди:

- Шоҳим, буни текшириб, хулоса чиқариш осон-ку.

Рухсат этинг, маликани қабрини кўрайлик, буларни жаллод ҳукмига топшириш қочмас.

Подшоҳ ўз мулозимларини малика қабрини очиб кўришга юборибди. Улар вазир бошчилигида бориб, малика қабрини очишибди.

Оҳ, ана мўъжиза, малика қабрида Абдусаттор кўксида ва бўйнида илон билан сасиб ётарди. Мулозимлар Оллоҳ қудратига ҳамду-сано айтиб, воқеани шоҳга хабар қилишибди. Подшоҳ Абдукаримни гаровга олиб, ўзида қолдирибди, Абдуворисни эса вазири ва бир нечта хос мулозимларини қўшиб мусулмон ўлкасига жўнатибди.

Элчилар икки дўстнинг гапи тўғрилигини ўз кўзлари билан кўриб ва тасдиқлаб, шоҳ ҳузурига қайтишибди.

Подшоҳ ҳайрон, ҳамма ҳайратланибди. Подшоҳ яна вазирига қарабди.

- Шоҳим, келинг бир мусулмон қозини чақириб, бўлган воқеани баён қилайлик. Қани қандай ҳукм чиқараркин, - дебди вазир.

Шоҳ рози бўлибди.

Қозикалон, аввал маликанинг канизаклари ва яқинларини чақириб, маликанинг нима амали бор эди, деб сўрабди. Бир овоздан малика пинҳона мусулмонлигини, лекин отасини хафа қилишдан қўрқиб, буни отасига билдирмаганини, ҳажга кетаётган ҳожиларга ҳажи-бадал бериб ҳожи бўлганини, у Оллоҳдан доимо мусулмон қавмида, бокиралигида жонини олишни сўрашини, бутун умри давомида тақво билан ўтганини баён қилишибди. Қози чопар юбориб Абдусатторнинг хотини ва яқинларини чақириб келтирибди ва аввал хотинидан сўрабди:

- Абдусатторнинг нима амали бор эди?

Хотин Абдусаттор ҳаж сафарига дўстларининг зўри билан борганини, қалбидаги эътиқоди сустлигини, ғайридиний удумларга ихлоси баландлигини сўзлабди. Абдусатторнинг қариндошлари эса уни сағир молидан қўрқмаслиги, ҳатто отаси оламдан ўтганда ундан қолган меросни сингил ва укалари билан шарият йўлида бўлишмай фирромлик қилиб ўзлаштириб олганини айтишибди.

Қози Абдусатторнинг қабрини очтириб унинг қорнидан тиллоларни олишни ва 33 тиллони

Абдукаримга, 33 тиллони Абдуворисга, 33 тиллони Абдусатторнинг оиласига беришга ва қолган бир тиллони эса қози ҳаққи деб ҳукм чиқарибди.

Бу воқеаларни четдан кузатиб турган подшоҳ мусулмон қозининг ҳукмини тўғри ва одилона деб топиб унга инъомлар берибди. Абдукарим ва Абдуворисга бир хуржундан олтин бериб ҳурмат билан ўз юртларига кузатиб қўйибди.

Мана азизлар! Оллоҳ ҳар нарсани кўргувчи ва қалбимиздаги нарсаларни билгувчидир. Фирромлик, ва хиёнат мунофиқлар амалидур. Тарози аслида Тенг деганидир. Шериклик амал тенг розиликни талаб қилади. Шерикчиликдаги фирромлик мол барокотини эмас, ҳатто умр барокотини ҳам кетказар. Шериклик ишга Оллоҳ ҳам шерик, яъни бу унинг назоратидадир.

Боланинг ҳаққи.

Бир подшоҳ бўлиб, унинг одиллиги ва мамлакатни бошқаришга усталлиги, ҳар қандай вазиятдан тўғри фойдаланишни билгани учун юрти обод, халқи тинч ва тўқ экан. Ҳеч ким бировнинг молига тегмас, ҳатто уйлар ҳам қулфсиз экан.

Кунлардан бир кун шу жойда ҳам ўғирликлар содир бўла бошлабди. Подшоҳ аввал ишонмабди, лекин бу миш-мишлар ростлигини билиб, ноибларини чорлаб, тезлик билан бу ишни тагига етишни, қандай йўл билан бўлса ҳам, бу ўғирликлар илдиз отмай туриб ўғрини қўлга олишликни буюрибди.

Подшоҳ одамлари ўғрини тутишибди ва шоҳ ҳузурига олиб келишибди. Подшоҳ кўрсаки ўғри бир хушсурат, абжир йигит эмиш. Подшоҳ ҳайрон бўлибди:

- Эй, йигит, мен шу юртни шоҳи, яъни отасиман, шу юртдаги халқ менинг фарзандимдай гап. Наҳот сён ўғри бўлсанг? Исминг нима? Сени ўғри бўлишга нима мажбур этди? Тўрт мучалинг соғ, меҳнатга лаёқатлисан, қалол меҳнат нони ширин бўлишлигини билмайсанми?

Ўғри дебди:

- Эй, шоҳим. Менинг исмим Қаттол. Ҳақиқатан ҳам ўғриман. Хизматчиларингиз мени ўғирлик устида ушлашди, бу ишдан тонишга илож йўқ.

Подшоҳ дебди:

- Болам, ўғирлик қилишга, биров ҳақиға хиёнат қилишга Оллоҳдан кўрқмадингми? Бу дунё омонат-ку. Оллоҳ наздида бешта энг буюк гуноҳ бор. Улардан бири ўғрилик, яъни биров ҳақиға хиёнат қилиш, иккинчиси баҳиллик, учинчиси мунофиқлик, тўртинчиси рийкорлик ва бешинчиси ёлғончиликдир. Бу аломатлар кимда мукамал бўлса, вақтида инсофга келмаса, жаннат ҳиди шу инсонга ҳаром дейилмаганми? Наҳотки ўзингга шунча зулм қилсанг? Мен шу элнинг шоҳи - халқим тинчлигига масъулдирман. Бу ишинг мамлакатимда илдиэ отиб кетмаслиги учун ўзимга қанча оғир бўлса ҳам сени ўлимга ҳукм этман, токи ҳаммага ибрат бўлсин. Шайхулислом сенга ўн кун нима ҳаром, нима ҳалол эканлиги тўғрисида дарс берсин. Токи тилинг ва дилинг Оллоҳ олдида астойдил тавбага келсин. Сени дўзахда куйишингни ҳам истамайман.

Шоҳ жарчиларга амр қилибди. "Жар чақиринг, ўғрини мен ўлимга ҳукм этдим. Ижроси ўн кундан кейин жума куни жума намозидан сўнг амалга оширилсин". Жарчилар кўчама-кўча юриб бу амрни халққа етказишибди.

Орадан ўн кун ўтиб жума намозидан кейин дор тагига тумонат халқ йиғилибди. Навкарлар занжирбанд Қаттолни дор тагига олиб келишибди. Шунда подшоҳ сўрабди:

- Эй Қаттол, тавбага тилинг келдими? Ўз хатоларингни англадингми? Ҳукмидан розимисан? У дунёда менга даъво қилмайсанми?

Қаттол калласини ҳам қилиб дебди:

- Шоҳим, мен ўз хатоимни англадим, ўлим жазосига лойиқман. Ҳукмингиздан ҳам розиман, ҳалол-ҳаромнинг фарқини кеч бўлса-да англадим.

Подшоҳ дебди:

- Бўлмаса ўлимнинг олдидан тилагинг надур?

Қаттол айтибди:

- Шоҳим, мен отамни эслай олмайман, етимликда ўсдим, ўлимим олдидаги охириги тилагим онамни кўрсам, кўксига бошимни кўйиб тўйиб ҳидласам.

Шоҳ амри билан Қаттолнинг онасини олиб келишибди. Қаттол она кўксига бош кўйиб шаҳд билан унинг сийнасини тишлаб узиб олибди. Она "оҳ" деб қонга бўялиб беҳуш йиқилибди. Бундай бўлишини

кутмаган халқ "Оҳ, оқпадар" деб юборишибди.

Подшоҳ дарғазаб бўлибди:

- Эй, Қаттол, бу не ҳол, шунчалик баттол оқпадармисан? - дебди.

Шунда Қаттол дебди:

- Шоҳим, асли сиз мени осиб ўлдиришни хохламайсиз, чунки сиз юрт отаси ва раҳмлисиз. Мени ошириб ўлдиришдан мақсадингиз элга ибрат қилиш, ўғирлик ривожланмаслигини истайсиз. Мен ҳам она сийнасини тишлаб, узиб олиб элга ибрат бўлсин, мендан кейин ҳеч бир онанинг фарзанди дорга осилмасин деб қилдим. Чунки мен етти ёшлигимда қўшнимизнинг уйидан тўрт дона тухум ўғирлаб чиққанман. Шунда онам ўғлим катта йигит бўлиб қолибди деб мактаб-мактаб, менга шу тухумларни пишириб берган. Вақтлар келиб тухум товукқа, товук молга айланди. Онам вақтида менга ҳалол ва ҳаром фарқини англашни ўргатганида эди, мен эл олдида бундайин хор бўлмасдим.

Подшоҳ ҳам, бу ҳолни кўриб турган халқ ҳам жуда таъсирланиб кетишибди. Подшоҳ баланд овозда амр этибди:

- Эшитинг, эй халойиқ! Менинг амрим шундай, яратган Оллоҳнинг исмларидан бири Раҳмондур. Бу дегани гуноҳларни кечиргувчидир. Мен бу ўғрини гуноҳидан ўтдим, сизлар ҳам рози бўлинг. Аммо шарт шуки, Қаттол ушбу халқ учун қурилаётган мадраса қурилишида ҳалол ишлаб ўзини кўрсатсин ва нима бўлса ҳам онасини хор қилиб қўймасин.

Халқ подшоҳ амридан рози бўлибди. Қаттол исми Абдурахмонга айланибди. Вақтлар келиб Абдурахмон машҳур уста бўлибди. Шотисиз гумбазлар устида юра олган уста шу киши эканлар. Оллоҳ ҳаммамиздан рози бўлсин.

Фарзандларимизни вақтида ёмон йўлдан қайтарайлик. Уриш, сўкиш билан эмас, балки насихат йўли билан тушунтирайлик, ҳаром-ҳалол фарқини ҳар биринг онгига етказайлик. Фарзандингнинг урсанг эти, сўксанг бети қотар.

Бойлик сарфи 2

Ривоят қилишларича қадим замонда улуг

пайғамбарлардан бири Мусо алайҳиссалом ўтган эканлар. У кишининг таҳаллуслари Калимуллоҳ яъни Мусойи Калимуллоҳ - Оллоҳ билан сўзлашувчи, Ухуд тоғида Оллоҳ билан кўп бор сўзлашган эканлар.

Кунлардан бир куни Оллоҳ билан сўзлашгани Ухуд тоғига қараб кетаётсалар йўлларини бир чўпон тўсиб чиқибди ва салом бериб: "Эй Мусо, сиздан илтимос, Оллоҳдан менга давлат молу - дунё сўраб беринг", дебди.

Шунда Мусо алайҳиссалом "Бу ёлғончи бевафо дунёгами ёки ул абадий дунёгами?" деб сўрабди. Чўпон дебди: "Эй Мусо, мен у дунёда моли дунёни нима қиламан, менга шу дунёда берсин", дебди. Мусо бу сўздан анча огринибдилар, лекин бениҳоя қудрат эгаси Оллоҳдан чўпонга бу дунёга молу дунё давлат сўраб беришга ваъда қилиб, ўз йўлларида давом этибдилар.

Оллоҳ хузурига бориб кўп керакли сўзларни сўраб бўлиб, чўпон билан бўлган воқеани ҳам сўзлабдилар. Оллоҳ Роббил изза - ҳар нарсани кўргувчи ва билиб тургувчи улуғ зот ўз элчиси Мусонинг сўровини инобатга олиб чўпонга кўп молу дунё ва давлат ато этибди. Чўпон бениҳоят бойиб кетибди.

Хар нарсанинг чеки бўлганидай бир неча йилдан кейин қазойи қадари этиб чўпон оламдан ўтибди. Бу хабарни эшитган Мусо пайғамбар бу дунёнинг молига алданган чўпонга ачинибдилар.

Шу пайт Оллоҳдан ваҳий нозил бўлибди. "Эй Мусо, менинг севган бандам чўпон қазо қилди. Тез боринг жанозасига, имомликка ўзингиз ўтинг ва хурмат бажо қилинг!" Мусо ҳайрон бўлиб, "Эй Оллоҳим, чўпон бу дунёни сўраган эдику?" деб сўрабди. Оллоҳ дебди:

- Тўғри, эй Мусо, лекин чўпон мен берган бойликдан тўғри фойдаланди, мен нахий яъни харом қилган жой ва нарсаларга пул сарфламади. Эҳсонни кўпайтирди, ман-манлик отига минмади, ўзининг асли кимлигини бир дақиқа бўлсада эсидан чиқармади. Ҳеч кимга ичи қоралик қилмади, у ўз амаллари билан жаннатни мен берган дунё билан ўзи топди ва бу дунёси-ю, у дунёсини обод этди. Саккиз жаннатимнинг ҳамма эшиклари очик, чўпон ҳоҳлаганидан киради. Эй Мусо, чўпоннинг иши бошқа бандаларимга ҳам ўрнак бўлсин. Мен айримларга амал, бойлик бериб, баъзи бир кишиларни ожиз, нотавон, муҳтож қилиб, баъзи бирларини паҳлавон қилиб, баъзиларини касалванд қилиб синаб кўраман.

Душманнинг дўстга айланиши

Ривоят қилишларича қадим замонда Одилхон деган подшоҳ бўлиб одилликда, сахийликда тенги йўқ экан. Унинг икки ўғли бўлиб, иккиси ҳам ўз замонасининг пахлавони, аммо каттаси баджаҳл, урушқоқ, кичиги эса унинг акси, чуқур фикрли, одил ва раҳмдил экан. Даврлар ўтиб тинчлик кунлари ортда қолибди. Икки ёндаги давлатлар қўшин тўплаётгани ва Одилхон мамлакатига ҳужум қилмоқчилиги тўғрисида маълумот келибди. Одилхон тезда лашкар тўллабди. Катта ўғли Зафарбекни бир лак лашкар ила ўзига яқинроқ давлатга душманни ўз уясида янчмоқ учун жўнатибди. Кичик ўғли Раҳимбекни ўзидан узоқроқ ва кучлироқ давлатга юборибди. Унинг мақсади Зафарбек душманни енгиб келса Раҳимбекка ёрдамга жўнатиш экан. Орадан бир ой ўтиб Раҳимбек Зафарбекдан олдинроқ анча совға-салом билан қурбонсиз жангдан қайтибди. Ота ўғлини хурсанд кутиб олиб эсон-омон қайтгани билан табрикларди.

Раҳимбек отага таъзим бажо айлаб бир қошиқ қонидан кечишлигини ва сўзлашга изн беришни сўрабди. "Отажон, мен урушгани борган шаҳар подшоси ўта одил ва танти экан, - дебди. - У менга дўст, сизга ўғил қатори ўғил бўлди. Мен аввало уруш ўрнига низони тинчлик йўли билан ҳал қилишни таклиф қилдим, биз икки томонга қўшинимизни саф тўрттириб майдон ўртасида учрашдик ва узоқ суҳбатлашдик. Биз уруш майдонидан қиёматли дўст бўлиб қайтдик. Жаҳонگیرшоҳ ҳамма лашкарларимизни меҳмон қилиб совға-саломлар берди, энг яхши томони бирор гўдак биз сабабчи өтим бўлмади, ноҳақ бирор томчи қон тўқилмади. Биз ҳар қандай вазиятда бир-биримизга ёрдам қўлини чўзишга келишдик".

Одил шоҳ ҳавотир билан ўғли Зафарбекни кутибди. У катта талофатлар эвазига зафар билан ўз ватанига қайтибди. У хурсанд ҳолда ота хузурига кириб ғалаба билан табрикларди, қўшни мамлакатни култенига айлантириб, халқини қул қилиб ҳайдаб колганини айтибди. Шунда ота илм аҳлини йиғиб ўртага мунозара ташлабди, қайси ўғлим ўрнимга шоҳликка қодир дебди.

Ҳамма олимлар сукут сақлаб, ўз етакчилари Хўжа

Аҳрор Валийга қарашибди. Олимлар сардори Хўжа Аҳрор ўрнидан туриб подшоҳнинг изни билан Раҳимбекнинг ишини таҳсинга сазовор дебди: "Чунки душманни дўстга айлантормоқ фақат оқиллар ишидур. Ҳар бир етимнинг охи Аршни ларзага солар экан, жоҳилни енгмоқ ҳақиқий паҳлавоннинг коридир. Билага бақувват бир кишини енга олар, билимли киши эса ўз ақли ва донолиги билан минглаб одамни енгиб, ўзига дўст қила олади".

Умр китоби

Ривоят қилишларича қадим замонда Қурбон исмли бир йигит бўлиб, у ўғирликда ва қароқчиликда тенги йўк, ҳамма ундан безор, халқ томонидан унга қўйилган лақаб ҳам "Қирон ўғри" эди. Ҳатто "Қирон ўғри" деса бешиқдаги бола ҳам йиғидан тўхтаб ҳушёр тортар экан.

Ҳаёт тақозосини қарангки, бирдан Қирон ўғри ўзгариб, ўғирлик ва барча ёмонликдан қайтибди) ва яхшилик отини минибди. Қаерда яхшилик қилиш ёки яхши иш бўлса ўша жойда ҳозир бўларканг ва ўз жўраларини ҳам яхшиликка бошларкан. Элу-юрт ҳайрон, биров "Оллоҳ инсоф берса бир кунда берар эканда", деса яна биров "Қирон ўғридай одам ҳеч қачон яхши бўлмайдди, бу ҳаммаси муғомбирлик, у ҳозир подшоҳнинг ҳазинасиди мўлжаллаб, соқчиларни чалғитиш учун атайлаб режа тузиб юрибди", дермиш. Қирон ўғри эса ҳеч нарсага парво қилмай Оллоҳга ибодатини қилиб яхшилик касбида собит турарди. Кунлардан бир кун бу миш-мишлар подшоҳнинг қулоғига ҳам етиб борибди.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб наҳот Қирон ўғридай одам инсофга келган бўлса деб, уни ўз ҳузурига чорлабди.

Қирон ўғри ўз оёғи билан келиб подшоҳга таъзим бажо айлабди ва унинг амрини кутибди. Подшоҳ Қирон ўғрининг одобини кўриб лол қолибди ва дебди:

- Эй, сен ўша Қирон ўғримисан? Ҳатто кўзимга ишонмаяпман, наҳот сен ўз оёғинг билан ҳузуримга келган бўлсанг. Ахир сенинг дастингдан бу ерларга қарвон кела олмасди. Сени ҳеч қайси шоҳ қўлга тушира олмаган, ҳаётинг Оллоҳнинг наҳи қилган ишлари билан банд бўлиб ўтган, сени бир марта эмас - ўн марта дорга осиш ҳам оз. Наҳот ўлимдан кўркмай очиқ юрибсан?!

- Эй, шохим, - дебди Қурбон. - Жоним сизга садақа,

лекин эгилган бўйинни қилич кесмас. Сиз юрт отаси, амрингизга мунтазирман. Энди ўлсам армоним йўқ, чунки мен тавбага келдим, ўз вақтида нотўғри ишларимни Оллоҳ менга билдирди.

Подшоҳ бу сирнинг сабабини аниқроқ баён қилишни сўрабди.

- Подшоҳим, - деб таъзим билан гап бошлабди Қурбон, - биласизки қароқчининг макони саҳро, оромгоҳи ҳилват жойлар. Бир куни навбатдаги қароқчиликдан келиб чарчаб ухладим. Тушимда ажойиб сир кўрдим ва бу ўткинчи дунёнинг нималигини англадим, бор қароқчилик, ўғирликдан топган дунёимни бева-бечораларга тарқатдим. Илгари Оллоҳ нимани қилмасликка буюрган бўлса ўшани қилардим. Ҳозир эса акси, дилим ҳам пок, қоқ нон есам ҳам ҳотиржам еяётибман.

- Яхши, - деди шоҳ, - менга ўша кўрган сирингни баён эт.

- Шоҳим, тушимда бир бепоён саҳрода кетаётган эканман. Шунда бир арслон мени қувди, мен жон-жаҳдим билан қочиб бир қудуққа дуч келдим. Қудуққа боғланиб турган арқонга осилиб ўзимни ташладим. Арқон қудуқ тубига етмай тугади. Қудуқ тубига қарасам бир улкан аждарҳо оғзини очиб турарди. Мен ночор қолиб қаро терга ботдим. Тепада арслон, пастда аждарҳо. Шу пайт ёнимдаги қудуқ тешигидан ҳар хил нозу неъматлар ва асал оқиб кела бошлади. Мен қуйидаги ва устимдаги хавфни унутиб, мароқ билан нозу-неъмат, асал ва шароблардан истеъмол қила бошладим, бора-бора остки-устки хавф менга даҳли йўқдай кўрина бошлади. Куним шу тахлитда ўта бошлади. Кунлардан бир куни тепага бир қарасам, шер оёқлари остида бири оқ, бири қора сичқон мен осилган арқонни қирқа бошлади. Соч-соқолим оқариб сичқонлар қанча арқонни қирқди-ю, қанчаси қолди била олмай яна асал ва нозу неъматларни ейиш билан банд бўлиб уйғониб кетдим. Узоқ ўйлаб туш таъбирини сўраб бир олим кишининг олдида бордим. Уламо тушимдаги воқеани диққат билан тинглаб дедилар: "Ўғлим, сиз бу дунё мўъжизасини кўрибсиз. Арслон азроилдир, арқон - умр арқонидир, оқ сичқон кундуз ва қора кечадир. Улар умр арқонини ўзиш билан банддирлар. Қудуқ тубидаги аждарҳо эса лаҳаддир.

Ҳаммамизнинг умр арқонимиз бир кун узилиб
лаҳадга бормоғимиз аниқ. Бир кишининг умр арқони
йўғонроқ, бошқасиники эса ингичкароқ, лекин қанчаси
узилиб, қанчаси қолгани фақат Оллоҳга аён. Арқон
узилиб лаҳадга тушгунча ҳаёт ширин, тешиқдан
чиқаятган нозу неъматга алданиб, умрни беҳуда ўтказмоқ
- кечириб бўлмас хатодир. Яхшилик мевасини бу дунёга
қанчалик кўп эксан охиратимиз обод, гўримиз ёруғ
бўлғай". Мен олим ҳузуридан яхшилик отини миниб
чиқдим.

Подшоҳ бу хикояни эшитиб жуда таъсирланибди ва
Қурбонни ўзига вазир бўлишга таклиф қилибди. Шунда
Қурбон:

- Шоҳим, мен бепоён саҳронинг султони эдим.
Булардан кечдим, энди қолган умримни боғ-роғ яратиш,
сув чиқариш ва кўприк қуришга сарфласам, сиз
гуноҳларимдан ўтдингиз, шояд Оллоҳ ҳам кечирса, -
дебди.

Шоҳ узоқ мулоҳаза қилибди:

- Энди кулоқ сол: сен шу мамлакат фуқаросисан.
Агар шундай бўлса сен учун менинг амрим вожибдур,
менга ҳалол бир ўлпончи, яъни солиқчи керак эди.
Солиқчиларим нотўғри солиқни кўпайтириб халқни анча-
мунча эзиб қўймоқда. Шу амал сенга лойиқ, чунки
меъданг тўқ, халққа хизмат қилиш учун бел боғлабсан,
солиқдан тушган пулга кўприк қур, сув чиқар, боғ ярат.
Солиқлар пули бева-бечораларга ва боғ-роғ яратишга,
хуллас, яна халқ фойдасига сарф бўлаётганини халқ ҳам
тушунсин.

Халқи меҳнаткаш, подшоси ҳалол, савдогари одил,
саҳий давлат Оллоҳ ҳиммати ва паноҳидадир. Оллоҳ
бизнинг халқимиз ва давлатимизнинг баракотини дариг
тутмасин. Энг олий неъмат - тинчлик ва хотиржамликдан
бенасиб этмасин. Омин.

Учинчи ҳақиқат

Қадим замонда бир доно подшоҳ ўтган экан.
Кунлардан бир кун у кўзгуга қараб соч ва соқолининг
оқига термулиб, ўлим шарбати яқинлигини сезибди. У
ўз ўрнига муносиб одам излаб, вазирлари ва ўғилларини
чорлабди.

- Эй фарзандларим ва вазирларим, мен ўз ўрнимга подшоҳ танлашим ва кўзим очиклигида бу тожу тахт ишончли қўлдалигини сезишим керак. Шунинг учун сизларга уч саволим бор, уларни ким тўлиқ еча олса тахт вориси бўлгай:

Дунёда энг олий ҳақиқат нима?

Дунёда энг олий ёлғон нима?

Дунёда энг олий мақсад нима?

Сизларга ўн кун муҳлат, энди тарқалинг. Биринчи бўлиб шу саволларга жавоб топиб келган кишига энг олий мажбурият - подшоҳлик тожим кийдирилади.

Ҳамма бошини ҳам қилибди, узоқ ўйлашибди. Подшоҳнинг катта ўғли Жаҳонгир кўп фаросатли, оқил йигит экан. Подшоҳнинг умиди ҳам шу ўғлидан экан. Йигит олдинги икки саволга жавоб топибди-ю учинчисига ақли ожизлик қилиб онаси ҳузурига бориб маслаҳат сўрабди, она ҳам ўйлаб туриб "ўғлим, жавобни қабристондан ёки саҳродан изла" дебди. Жаҳонгир саҳрога чиқибди ва узоқ юриб бир подачининг қўраси ёнидан чиқиб қолибди. Бориб салом берибди. Подачилар оқсоқоли нуроний, оқил киши экан. Меҳмонни жуда чиройли кутиб олиб, бу саҳрода ёлғиз не излаб юрибсиз, дебди.

Йигит бўлган ишларни сўзлаб берибди ва ўзини танитиб учинчи саволга жавоб топишда ёрдам беришини сўрабди.

Доно бобо бир табассум айлабди: "Майли ўғлим ёрдам берганим бўлсин. Айтингчи, биринчи ва иккинчи саволга не жавоб топдингиз?"

- Эҳ отахон, - дебди йигит, - биринчи савол жавоби - дунёдаги олий ҳақиқат бу ўлимдур, туғилган киши ўлмоғи бегумондир. Қачон ва қай ҳолда эканлиги бу фақат бир Оллоҳга аён.

Иккинчи савол, энг олий ёлғон бу дунё - бевафо дунёдур. Ҳамма бу дунё молига алданиб умр ўтказур. У худди катта саҳнадир. Ҳамма гўё артист каби бир-бир чиқиш қилар ва аста-аста ўзи тўплаган бойликларини ташлаб орттирган гуноҳларини олиб бу дунёдан кетарлар.

- Балли, - дебди чўпонлар отахони, - энди ўғлим ана шу қаршимизда турган ўтовда менинг бегуноҳ келиним икки норасида гўдаги билан ётибди. Агар сизга

подшоҳлик азиз бўлса шу келиним ва норасида гўдакларни ўлдирасиз, шунда мен учинчи саволга жавоб бераман, агар шуни қилмасангиз жавоб йўқ, подшоҳ бўла олмайсиз.

- Эҳ отахон, - дебди Жаҳонгир жаҳли чиқиб, - ахир бегуноҳ кишиларни ўлдирган кишининг охирати куйиб кетмайдими, шу арзимас амални деб охиратимни куйдирайми, бегуноҳ одам ўлдирган киши ҳатто жаннат ҳидини ҳам ҳидламайди-ку. Менга учинчи саволнинг жавоби ҳам, подшоҳлик ҳам керак эмас,

- Балли, - дебди отахон, - сиз подшоҳликка лойиқсиз, жавобни ўзингиз топдингиз. Ҳа, ўғлим, энг олий мақсад бу Оллоҳнинг жаннатидир. Ҳар бир мўмин ва мўминанинг орзуси шудир. Жаннатга интилиб яшаш энг буюк кураш, гуноҳ ва савоблар курашидир. Кимнинг имони бақувват, савоби мўл, нияти ҳолис бўлса, шубҳасиз жаннат эгасидир. Оллоҳ жаннатни ўзи севган кишилар учун яратган.

Йигит хурсанд бўлиб ота ҳузурига қайтибди ва илм мажлисида ҳозир бўлган олимларга саволлар жавобини айтиб, ҳаммани хушнуд этибди. Элу-ҳалқ уни Жаҳонгиршоҳ деб бир овоздан маъқуллабди. Ота ҳам хурсанд. У тожу-тахт ишончли қўлга ўтганидан хотиржам охират ибодатига бел боғлаб Макка сари отланибди.

Жаҳонгиршоҳ ўша подачилар оқсоқолини ўзига пир деб ҳисоблабди. Ундан кўп маслаҳат ва насиҳат олибди, элу-юртни обод қилиб узок вақт ҳалқ дуосини олиб яшаб ўтибди.

Ҳа, азизлар, илоҳим ҳаммамизнинг яхши ниятларимиз ўзимизга ҳамроҳ бўлсин. Оллоҳ ҳаммамизга ўз жаннатини насиб этсин. Юртимиз тинч-фаровон, у дунёимиз ҳам, бу дунёимиз ҳам обод бўлсин. Омин.

Она дуоси /

Қадим замонда буюк кушонийлар давлати саркардаси Паҳлавон Шукриоллоҳ ўтган экан. Унинг паҳлавонлиги, довиюраклиги эл оғзида дoston бўлиб, жангга совут-дубулғасиз, қалқонсиз, кўлида қилич билан кирар ва доим галаба қилар экан.

Даврлар ўтиб Паҳлавоннинг ёши элликка борибди.

Бир куни у темирчининг олдига бориб, ўзига қалқон, совут буюртирибди. Навбатдаги жангда Пахлавон совут-қалқон ва қилич билан пайдо бўлибди. Шунда атрофдагилари ҳайрон бўлиб сўрашибди:

- Эй, саркарда, бу ҳолда ҳеч жангга кирмас эдингиз-ку...

Саркарда бир ҳўрсиниб дебди:

- Жангларда мени дуо қилиб тургувчи онаизорим оламдан ўтдилар. Бу дуо менга қалқон-совут эди, ўк ўтказмас дубулға эди, Энди у киши йўқлар.

Азизлар, ҳар биримизнинг ютуғимиз ота-она дуосидир. Ана шу дуо гоят ҳосиятли бўлиб, бизни ҳар хил бало-қазолардан асрайди. Ўз онасини менсимайдиган, ҳатто унга қўл кўтаргувчилар буни бир ўйлаб кўришлари зарур.

Яна бир ривоятда айтилишича, Иброҳим ҳалиуллоҳ ўз ўғли Исмоилни Оллоҳ амри билан ювинтириб ва чиройли кийинтириб забех (қурбонлик) учун Арафот тоғига йўл олдилар. У ўғлини тоғ томон бошлаб кетаётганларида Исмоилнинг онаси Оллоҳга мурожаат қилдилар:

- Эй, Оллоҳим, омонатимни сенга топширдим, ўғлимни ўзинг асрагин!

Онанинг дуоси ижобат бўлди. Пичоқ тошни кеса олди, лекин Исмоилнинг бўғзига ўтмади. Ҳаттоки изи ҳам чиқмади, бир чизиқ ҳам кесмади.

Оллоҳ омонатни қабул қилса ўзи ҳамма нарсадан асрагувчидир ва ўша омонатни бутун қайтаради. Оллоҳ омонатга хиёнат қилгувчиларни дўзах ўтида куйдиргувчидир.

Аҳдга вафо

Ҳазрати Умар розиаллоҳу анҳу халифалик даврларида ул улуғ зот ҳузурларига икки ака-ука бир аъробий кишини судраб олиб келибдилар ва ундан оталари хунини олиб беришни талаб қилибдилар.

Ҳазрати Умар аъробий киши юзида ҳеч қандай жоҳиллик ёки муғомбирлик кўрмай, наҳот сиз бул йигитлар отасини ўлдирган бўлсангиз, бу воқеа қандай бўлди, деб сўрабди.

- Эй Халифаи раҳмон, - дебди бояги киши. - Мен

асли деҳқонман, деҳқончилик билан кун кўраман. Ҳар жума куни ўзим етиштирган мевалардан шаҳарга олиб тушиб сотаман. Бугун ҳам шундай қилдим, олиб келган меваларимни сотиб бўлиб, жума намозиға таҳорат олиш учун отимни бир дарахтға боғладим. Бахтға қарши отим ечилиб кетиб, мана шу мени олиб келишган йигитларнинг боғи деворидан осилиб турган дарахт шохларини ея бошлабди. Шунда боғбон бобо жаҳл билан бир катта тошни олиб отимнинг бошиға урибди, жонивор бир кишнаб жон берибди.

Мен таҳорат олиб отим олдиға келсам, у ўлиб ётибди. Мен алам билан ул тошни боғ ичига отдим. Тасодифни қарангки, тош боғбон бобо бошиға тегиб, у ҳам жон таслим этибди. Мана кўриб турганингиздай бу йигитлар оталари хунини талаб қилиб туришибди. Шариат тарозиси қўлингизда, шариат нима буюрса мен розиман.

Шу пайт Ҳазрати Умарнинг муборак кўзларига ёш келибди ва дебдилар:

- Эй аъробий, бу Оллоҳнинг иродаси, агар бу йигитлар оталари хуни учун молу дунёға кўнсалар бор бойлигимни бериб сени қутқарар эдим, афсуски улар қонға-қон сўрашаётибди. Сенға ёрдам қилишға менда имкон йўқдур. Фақат ўлимнинг олдидан охирги тилагингни айт.

Аъробий дебди:

- Менинг икки норасида фарзандим бор, оналари ўтган йили ўлган. Балоғатға етмаган болаларимни қариндошларимға топшириб келай, менға куёш ботгунча рухсат берингиз.

Умар одил йигитларға қарабдилар. Йигитлар бир овоздан:

- Майли ўлими олдидан охирги илтимосини бажарайлик, аммо бу аъробий қайтмасачи, унда отам хунини кимдан оламиз? Бунға ким кафил бўлади? - деб сўрашибди.

Шунда деҳқон кўзига қараб турган Хаста Билал шарт туриб кафил бўлибдилар. Йигитлар деҳқонни озод этибдилар. Деҳқон кун ботгунча қайтаман, деб қафасдан чиққан қушдай ўз уйи томон чопиб кетибди. Қолган саҳобалар мўмин кишиларнинг ўз аҳдларига содиқлиги тўғрисида сўзлашиб турибдилар, куёш ботиб шомға азон чақирилибди. Саҳобалар шом намозини адо қилишибди.

Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол, деҳқон аъробийдан дарак йўк.

Шунда ака-укалар дейишибди:

- Эй Умар, энди нима қиламиз, деҳқон келмадику. Рухсат этинг, биз деҳқонга кафил бўлган кишини ўлдириб қасос оламиз.

Билол ҳабаший устидаги либосларни ечиб, деҳқон учун ўлимга тайёрман, деб кўзларига ёш олибдилар. Шунда қибла томондан чанг кўринибди. Ҳамманинг кўзи ўша томонга тикилибди. Деҳқон шундай тезлик билан чопиб келардики чанг худди икки от оёғи тагидан чиққандек кўринарди.

Шунда Ҳазрати Умар дедилар:

- Кўринглар деҳқоннинг югуриб келишини, у ўз ўлимини мардлик билан бажо айламоқда. Аҳдига содиқ киши ҳақиқий мўминдир.

Ҳамма саҳобалар дуо қилиб мўмин-мусулмон киши шундай бўлиши керак деб тафаккур қилишибди.

Деҳқон йигит етиб келиб:

- Эй Умари одил, мен озроқ кеч қолдим, ўғилларим йиглаб юрагимни эзиб юбордилар. Энди улар ҳақиқий етимдирлар, уларнинг Оллоҳдан бошқа меҳрибонлари қолмади, - дебди.

Умар розиаллоху анху ака-укаларга дедилар:

- Мана, деҳқон етиб келди, ҳукми қандай ижро этишни хоҳлайсизлар?

Шунда ака-укалар:

- Биз дунёда аҳдига содиқ кишининг биттага камайишини хоҳламаймиз, биз бу кишини совға-саломлар билан ўз қишлоғига жўнатамиз. Отамизнинг ўлими Оллоҳнинг ирдаси экан, биз энди тушундик, мусулмон киши шунчалик аҳдига содиқ бўлар экан. Биз ҳам "Қалимаи шаҳодат"ни тилимиз билан айтиб дилимиз билан тасдиқлаймиз. Оллоҳ билганини билмаймиз, зора отамизни Оллоҳ раҳматига олган бўлса, - дейишибди.

Ҳазрати Умар Билолга қараб:

- Эй Билол, нима учун кўзингга ёш олдинг, ўлимдан кўрқдингми? дедилар.

Ҳабаший Билол айтдилар:

- Мен ўлимдан кўрқиб йиғлаганим йўк, мўмин киши аҳдига содиқлик қилганидан, Ислом динининг обрўси тўкилмаганидан кўзимга ёш келди.

Эй замонамиз муслмонлари! Савдодами қаерда бўлсин аҳд қилдингизми, ваъдангизни бажаринг! Уз қасамингизга содиқ бўлинг, бир-бирингизни алдаманг, ҳалоллик билан топган мулкингиз барокатли бўлгай. Шу ватан - она Ўзбекистон фарзандиман деб ўзгага сотилманг, тузлугингизга тупуриб, ўзга юртга бориб олиб муслмонликни даъво айлаб, онангизни тошбўрон қилманг.

Инсон бепарқ бўлмайди

Ривоят қилишларича, бир олим ва фозил киши машваратда ҳар бир мўминнинг бўйнидаги бажариши шарт бўлган фарз амаллар ҳақида маъруза қилибди. Амру маъруф ва нахий мункар, яъни яхшиликка бошлаш, ёмонликдан қайтариш, ношукр банда бўлмаслик хусусида сўз юритибди. Оллоҳга ҳар бир гиёҳ ёки ҳайвон ҳам доимо шукрда бўлишлигини айтибди. Шунда дилида имони сустроқ бир киши сўрабди: "Мол ҳам шукр қиладими?"

Олим айтибди:

- Ҳа, мол: эй Оллоҳим, мени мол қилиб яратдинг, гўштим, сутим ҳалол кишиларга насиб қияпти, шу орқали элга нафим тегяпти, мени ит қилиб яратмаганингга шукр, дейди.

Ҳалиги киши яна сўрабди:

- Унда ит нима деб шукр қилади?

- Эй Оллоҳим, мени ит қилиб яратдинг. Ризқимни одамлар орқали бериб турибсан. Инсонлар мени кўриб жирканмайдилар. Тўнғиз ёки чўчқа қилиб яратсанг, нима қилардим, дейди.

- Ия, бундан чиқяптики, энг жирканч маҳлуқ тўнғиз экан-да, - дебди ул киши. - Демак, у шукр қилмаскан-да?!

- Йўқ, - дебди олим. - у ҳам Оллоҳга шукр қилади. У айтадики, тўнғиз қилиб яратганингга шукр. Гийбатчи, тўхматчи, ичи қора, ёмонлик уруғини сочувчи мунофиқ одам қилиб яратмадинг. Шундай қилганингда абадий дўзахда куярмидим. У ерда қилган амалларим учун ҳисоб бериш ҳам йўқ. Ўлсам, тупроққа айланиб кета бераман. Шунисига шукр қиламан.

Ҳа, азиялар, инсон бўлиш нақадар масъулиятли.

Агар бирор жойда нотўғри амал ёки нотўғри зулм бўлаётган бўлса, мўмин қўлидан келса уни тўхтатиши керак. Ёки ўша ёмонликни оғзаки бўлса ҳам чеклаши лозим. Ҳеч бўлмаганда бундан ичида газабланиши зарур.

Нима учун ёнимизда бир тайинсиз бировнинг киссасини кесаётганда, пулини олаётганида ўзимизни кўриб кўрмаганга оламиз?! Бир ўғри халқ посбонлари қўлига тушса, гувоҳлик беришдан бош тортамиз?! Ўша ўғри муттаҳам эртага сенга зулм қилмайди, деб ким кафолат бера олади?!

Ота-боболаримиз орзу қилиб ўтган мустақиллик бизларга насиб этди. Муборак ҳаж сафарларига бораямиз. Шаҳримиз кўчалари кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Бу ниманинг ҳисобига? Аввало юртимиз тинчлиги, қолаверса тadbиркорлар тўлаётган солиқлар эвазига шунга эришяпмиз. Шундай экан, кўчаларнинг ўртасига қўйилган гулларни ағдариб, ёритгичларни синдириб жетаётган кимсаларга нега индамаймиз?! Булар ҳаммаси ўзидан-ўзи бўлаётгани йўқ-ку?! Ҳақиқий мўмин-мусулмон ана шундай пайтларда бефарқ бўлмаслиги лозим.

Аҳиллик баҳоси

Қадимда эмас, ҳозирги ўзимизнинг замонда бешта ака-ука битта ҳовлида жуда аҳил яшашар, ҳамма уларга ҳавас билан қарашар экан. Кунлардан бир кун катта ака хотинига мақтаниб "Мана қара хотин, биз ака-укалар қандай аҳилмиз, яхши тарбия кўрганмизда" - дебди. Шунда хотин айтибди: "Тўғри, сиз ака-укалар яхши тарбия кўргансиз, лекин бу аҳиллигингиз сабабчиси кўпроқ биз овсинлармиз, чунки сизларни онангиз, яъни бизнинг қайнонамиз биз келинларга кўп яхши ўғитлар бериб, бизларни шундай тарбиялаганлар ва мени ўринларига она қилиб сайлаб кетганлар (уларни Оллоҳ раҳмат қилсин). Биз аҳилмиз, сизлар аҳилсиз. Агар бизлар орамизга шайтон ораласа, унда Оллоҳ асрасин". Шунда катта ака "бу гапинг нотўғри. Хотинлар қўлидан ҳеч нарса келмайди", дебди. Хотини пинҳона бир қулибди-ю лекин индамабди.

Эртаси кун оwsинларини йиғиб, "бир енгил ҳазил

қилмаймизми? Чунки ака-укалар оиладаги ўрнимизни билишмайди шекилли", дебди

Шу куни ака-укалар бир қўйни сўйишиб, сергўшт деб унинг орқа сонини катта аканинг уйига киритиб юборишибди, шунда у хотинига "қара, укаларим доим мени ҳурмат қилиб сергўшт жойини беришади, ажойиб укаларим бор-да", дебди.

Хотини бир қошини чимириб "ҳа, шундай акамнинг иши орқага кетсин деб ҳар доим орқа оёқни беришади, укаларингиз нияти аллақачон бузилган", дебди. "Эй хотин ундай дема", дебди эри, лекин юраги ғаш бўлиб қолибди. Овсин арзимаган баҳоналар билан ака-укаларни тез кунда юз кўрмас даражасига етказиб қўйишига оз қолибди.

Бир куни катта ака уф тортиб хотинига "эй хотин, нимагадир юраги тор, укаларимни кўргим йўқ, юр бошқа уй қилиб бу ота жойидан чиқиб кетамиз", дебди. Шунда хотини "эржон, аввало мени кечиринг. Шуларнинг ҳаммасини мен ўйлаб чиқариб овсинлар билан маслаҳатлашиб қилдик, чунки оилада асосий ролни биз ўйнаймиз. Келинг, эртадан яна биз ўз ролимизга, яъни вафодор хотин ролига қайтамиз. Тез кунда илгаригидан ҳам иноқ бўлиб кетасиз, фақат шу иш баҳона ака-укалар ўз ақлингиз бўш жойини тўлдириб олинг. Эрни эр қилувчи ҳам, қаро ер қилувчи ҳам хотиндир. Хотинданча пасткаш молпараст бўлса, эрни молгаю, уйни молхонага айлантиради", деб айтибди.

Туш таъбири

Ривоят қилишларича қадим замонда туш таъбирини ечиб берувчи мунажжимлар бўлар экан. Бир улуг мунажжимнинг таъбири доим тўғри чиқар, обрў-ҳурмати ҳам шунга лойиқ, шогирдлари ҳам бисёр экан.

Кунлардан бир кун бир киши ўта ҳовлиқиб хафа ҳолда келиб, дебди - "Тақсир, айтинг нима бўлади, тушимда бурнимдан қон келибди".

Мунажжим бироз ўйлаб туриб, "сиздан давлат кетар экан. Тижорат ишларингизни тўхтатиб туринг" дебди. Эртаси куни яна бир киши ҳурсанд ҳолда келиб таъбирчидан сўрабди:

- Тақсир, тушимда бурнимдан топ-тоза қип-қизил

қон келдия, унинг таъбири нима бўлади?

Таъбирчи айтибди: "Ўғлим, йшингиз ўнгидан келар экан, сизга давлат илашибди, тижорат ишларингизни кучайтиринг". Йигит хурсанд бўлиб чиқиб кетибди.

Таъбирчининг шогирдлари ҳайрон бўлишибди ва "устоз, бун қандай тушунайлик. Бир хил тушга икки хил таъбир айтдингиз-ку ёки кейинги мижоз кўпроқ эҳсон бердими?" дейишибди.

"Йўқ, - дебди устоз - туш таъбирини аввало одам ўзи беради. Биринчи одам хафа бўлиб келиб бурнимдан қон кетди, деди. Иккинчи хурсанд ҳолда келиб бурнимдан қон келди, деб айтди.

Мана сўзимга ишонмасаларинг кўринглар, тез кунда мен айтганлар нақадар тўғрилигига ўзингиз гувоҳ бўласиз".

Ҳа, азизлар ҳар бир тушимизни ҳам, ҳар бир ишимизни ҳам яхши ният билан бошлайлик. Ҳамма нарсани яхшиликка йўйишни одат қилайлик. Ахир тушга нималар кирмайди.

Тадбиркор табиб

Ривоят қилишларича, бир оилада кўп жанжал бўлар, эри хотинини мурасага келтириши жуда оғир экан. Эр хотиндан, хотин эса ундан тинимсиз нолир экан. Кунлардан бир кун бир улуғ табибнинг олдига бориб эридан кўп ҳасрат қилибди ва бир захар беришлигини сўрабди, шояд шу захарни эрига бериб ундан қутулса...

Табиб бироз сукут сақлаб ичкари уйга кириб кетибди ва косада бир суюқлик олиб чиқиб хотинга берибди: "қизим, ушбу захар секин таъсир қилувчидир, лекин ўта кучли. Эрингиз жуда борса йигирма кунда ўлади. Ушбу захарни ишлатиш усули ҳам жуда осон. Эрингиз жанжал бошласа ушбу захарни оғзингизга олиб ерга қараб сукут сақлаб туринг".

Аёл хурсанд бўлиб табиб ҳузуридан чиқиб кетибди. Орадан ўн кун ўтиб ўша аёл жуда гамгин қиёфада табиб ҳузурига келибди ва унинг оёғига йиқилибди, эрини ўлдирмаслигини зорланиб сўрабди. Табиб дёбди:

- Энди иложи йўқ. вақт ўтди. Ахир ўзинг айтдинг-ку, эрим жанжалкаш, бадфеъл деб.

Аёл илтижо қилибди:

- Оҳ, табиб, эрим жанжал қилмай қўйди. Муросамиз жуда яхши. Мен унинг бунчалик яхшилигини билмабман. Агар ўлиш керак бўлса, майли, мен эрим учун ўлишга ҳам тайёрман. Ахир шундай яхши эрни ўлдириб, бир умр виждон азобида қандай яшайман?!

Табиб кулиб дебди:

- Қизим! Мен табибман, менинг касбим даволаш, ўлдириш эмас. Сенга берганим захар эмас - оддий сув эди. Сен ушбу сувни оғзингга олиш билан бирга гапиролмай қолардинг. Мана энди тушунгандирсан: эрнинг жаҳли келганда аёл жим турса ҳеч қандай жанжал бўлмайди.

Ҳа, азизлар, эр оила подшоси, хотин эса унинг вазиридир. Подшоси одил, вазири ҳалол ва ақлли оила обод ва бекаму кўст бўлур.

Иложи йўқ нарса

Бир улуғ киши ўз маърузасида Оллоҳнинг жаннатига учта алоҳида жой борлигини, лекин ҳануз бирор киши уни эгаллай олмаганини баён қилибди. Биринчиси - ўта одил қайнона учун, иккинчиси - қайнонасини юз фоиз рози қила олган келин учун. Учинчиси эса икки хотинли бўлиб, уларни тўла рози қила олган эр учун.

Бу маърузани эшитган Абдул Воҳид исмли ўта бой, ўзига ишонган эр йигит, қасд қилибди: "Мен учинчи шартни бажараман".

У бир вақтда икки аёлга уйланиб, уларни бекаму кўст ушлабди. Муомала бир хил, уст-бош, уй, ҳамма нарса бир хил, иккиси ҳам ҳурсанд. Орадан бир неча йил ўтибди.

Тасодифни қарангки икки аёл ҳам бир кунда дунёдан кўз юмибди. Абдул Воҳид жуда қайғурибди. Иккала хотинига ҳам бир хил кафан, тобут ва бир жойдан қабр кавлатибди. Аммо уйдан тобутни олиб чиқиш учун дарвоза битта экан. Улар олдин-кетин чиқмасин деб тезлик билан янгисини қурдириб, икки тобутни бир вақтда уйдан олиб чиқишибди. Хуллас, ҳамма амаллар бир вақтда бекаму-кўст бажарилибди.

Ўша кун кечаси Абдул Воҳид жаннатдаги алоҳида жойдан умидвор ҳолда чарчаб ухлаб қолибди. Тушида катта хотини қўлини бегиз қилиб эрига: "Ҳа, эржон, кичик

хотин ширин бўлар экан-да! У кишини тобутлари янги дарвозадан чиқдилар, бизнинг тобутимиз эскисидан чиқди", деб ҳафа бўлиб тумтайиб турган эмиш. Кенжа хотин эса кўлини паҳса қилиб, ўдағайлармиш: "Нега мен қабрга олдин кирдим, шу ҳам инсофданми?"

Абдул Воҳиднинг тарвузи қўлтиғидан тушибди ва бу нарсанинг иложи йўқлигига амин бўлибди.

Ҳа, азизлар! Икки хотинлик кишининг қулоғи-ю, эшак минганнинг оёғи тинмас экан.

Яшасин эркаклар ҳаммоми!

Бир ўртаҳол йигит ҳаммомга кириб роса маза қилиб ювиниб турса, бир одам хурсанд ҳолда Худога шукр деб устидан илиқ сув қуяётган эмиш. Содда йигит хайрон бўлиб бунинг боиси нимадалигини билишни истаб, унга яқинлашибди:

- Биродар жуда хурсандсиз. Имкони бўлса бунинг сабабини менга ҳам ошкор этсангиз.

У киши бироз ўйланиб турибди-да "Ака бизда хотин иккита" деб жавоб қилибди.

Шунда йигит "Мен ҳам икки хотинлик бўлганим бўлсин" деган хаёлга борибди. Вақт ўтгач соддагина йигит иккинчи хотинга ўйланибди. Шундан сўнг томоша бошланибди. Ҳар куни жанжал, тиним йўқ, кўшнилари безор, ҳаттоки вафодор Олапар ҳам буткул тинчини йўқотибди. Ховлида гирдиқапалак. Орадан олти ой ўтибди. Бўғирсоқдай йигит чўғдай озиб кетибди. Бечора қачон кулганини-ю, қачон хурсанд бўлганини эслай олмай қийналаркан. Кунлардан бир кун яна ўша ҳаммомга кирса аввалги одам ювинаётган эмиш.

Содда йигит унга ўдағайлаб, "Сен мени қандай балога гирифтор этдинг? Қара аҳволимга, нафақат инсон, ҳаттоки маймунлар ҳам йиғлаб юборди", дебди.

- Сиз ўша куни мени тўғри тушунмабсиз, биродар, икки хотинлигим боис олти ой давомида ҳаммомга кира олмаётган эдим. Неки бахт, ўша куни шундай осуда, сокин жой борлигига шукр қилаётган эдим. Барча хурсандчилигим эркаклар ҳаммоми борлигидадир.

Эр-хотиннинг уриши...

Қадимда эмас, ҳозирги замонда бир йигит ва бир қиз севишиб турмуш қуришибди. Иккови ўз бахтидан маст, ширин кунлар тез ўтаверибди. Қудалар ҳам хурсанд. Оқнинг қораси, яхшининг ёмони бўлганидай оилада ҳам баъзида кўнгилсизликлар бўлиб турар экан.

Кунлардан бир куни куёв ногаҳон бадмастроқ улфатлар билан ўтириб қолибди ва озроқ шаробдан нўш айлабди. Шароб ичиб юрмаган йигит унинг таъсирида кўзлари қизариб бир аҳволда уйга кириб келибди. Бунни кўрган бечора келин жаҳл отига минибди. Жағининг қулфи очилиб кетиб, тинимсиз саннай бошлабди. Афсус, йигит бечоранинг ҳам қўл-оёқ боғичи ечилиб, шароб таъсирида келинни уриб тепа бошлабди. Иккови бир-биридан орқада қолмабди. Бир муддат келиннинг жағию, куёвнинг оёқ-қўли тинмабди. Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, яхшиям қўни-қўшни бор экан. Иккисини ажратиб қўйишибди. Афсус, шунда ҳам келиннинг жағи тинмай уйга аразлаб жўнаб кетибди.

Келин аламини ота-онасидан олибди. Ота дарғазаб, онанинг озги қарғишда, куёв бечорани у гўрдан олиб бу гўрга тиқиб туришса, келиннинг каратэчи акаси ишдан келиб қолибди. Синглисининг аҳволини кўриб тутоқиб кетибди ва "ҳали сен менинг синглимни урасанми, номард! Сенга мен муштлашишни ўргатиб қўяй!" деб жўнабди. У ҳали кайфи тўла тарқамаган бечора куёвни роса дўппослабди ва аламидан чиқиб уйга қайтибди.

Вақт ўтибди, куёв ўзига келибди, қилган ишидан пушаймон бўлибди. Келин ҳам жаҳлидан тушганидан кейин воқеани вазминлик билан ҳал қилмаганидан афсус чекибди.

Йигит бечора хотинини соғиниб, кечирим сўраб борай деса, унинг каратэчи акасидан кўрқибди. Келин эр уйига қайтиб келай деса, гурури йўл қўймас эмиш. Орадан икки ой ўтиб маҳалла оқсоқоллари ўртага тушибди ва яна келин-куёвнинг оиласини тиклашибди.

Кечкурун ишдан кечроқ келган каратэчи ака қараса, синглиси уйда йўқ. У ота-онасидан сўрабди ва улар бўлган воқеани айтишибди. Ака бечоранинг уйқуси қочиб "мендан еган калтак аламини синглимдан олмаса эди", деб кўнгли тинчимай унинг уйига борибди ва деразадан

аста кулоқ солибди.

Ичкарида икки ташна қалб бўлиб ўтган воқеани унутган, опоқ-чопоқ. Шунда келиннинг товуши эшитилибди: "асалим, елкангиздаги чандиқ йўқ эди, қайдан пайдо бўлди?"

- Эҳ, гўзалим, - дебди куёв, - кайфим тарқамай туриб каратэчи акангиз мени ўласи қилиб урди. Елкамдаги чандиқ ўшанинг изи. Сизга бўлган муҳаббатим зўридан милисага арз қилмадим.

- Вой, - дебди келин, - сизни шундай урадим! - урмай қўллари сингур! Милисага айтиб бир адабини бердирмасам, ўша каратэчини...

Бу гапларни эшитган бечора ака ўз кулоқларига ишонмай қолибди. Эру-хотин ўртасига ахлоқ одам тушишлигини, агар шундай бўлиб қолса муросага даъват этишликни англабди.

Ҳа, аёл киши эркакнинг чап қовурғасидан олинган дейишади. У сал эгрироқ, тўғрилайман деб, овора бўлмагн - синдириб қўясиз. Мулойим гапириб муроса йўлини изланг. Шунда аёлингиздан содиқроқ ва вафодор ёр топа олмайсиз.

Жаҳл нима?

Ривоят қилишларича, ҳазрати Али жисмонан жуда баркамол, ҳатто унга ердаги "Аллоҳнинг шери" таҳаллуси берилган экан.

Кунлардан бир кун кофирлар билан мусулмонлар ўртасида жанг бўлибди. Шунда кофирлар сафидан Қаттол исмли гавдаси девдай, ўта кучли бир пахлавон чиқиб ҳазрати Алини яккама-якка жангга чақирибди. Майдонда қаттиқ олишув бўлибди. Ҳазрати Али Қаттолни ҳолдан кетказиб йиқитибдилар ва энди бўйнига қилич солмоқчи бўлиб турсалар, енгилиб ночор қолган Қаттол охириги кучини тўплаб ҳазрати Алининг муборак юзларига тупуриб юборибди. Ҳазрати Али тепага кўтариб турган қиличларини қайтариб қинига солибдилар ва дебдилар:

- Эй, Қаттол! Мендан сен ҳам, шайтон ҳам, жаҳл ҳам енгилди. Энди тур.

Бундай бўлишини кутмаган Қаттол дебди:

- Агар мен сенинг ўрнингда бўлсам, каллангни икки марта узардим. Наҳотки сенинг юзингга шундай

тупурсам ҳам мени ўлдирмасанг?

- Мен ўзим учун ҳеч кимнинг қонини тўкмайман. Оллоҳнинг номларидан бири Раҳмон, бири Раҳимдир. Раҳмон гуноҳларни кечирувчи, Раҳим - меҳрибон деганидир.

Бундай олижанобликни кўрган Қаттол шу заҳоти иймон келтириб, мусулмон бўлиб Абдуллоҳ номини олган экан.

Мана азизлар! Жаҳлни енгиш - душманни дўстга айлантираб экан.

Асл ҳақиқат

Қадим замонда бир савдогарзода ўтган экан. У ўз саҳийлиги ва олийҳимматлилиги билан "Ҳотаму той" лақабини олган экан. Унинг уч ўғли бўлиб, улар оталари бунчалик кўп эҳсон қилишидан норози, лекин буни унга билдиришдан ожиз эканлар.

Ул киши доимо болаларига "савдогарликка ҳаром аралаштирмасангиз, зақоти ва давлат солиғини вақтида берсангиз, эҳсон билан молу-дунёингиз камаймайди, берувчи ҳам, олувчи ҳам Оллоҳ. Исроф ва зино қашшоқлик келтиради" деб насиҳат қилар экан.

Кунлардан бир куни савдогарзода фарзандларини қақириб дебди:

- Ўғилларим, қазойим яқинга ўхшайди. Тушимда отам ўзига чорлади. Мен отамнинг бир васиятини ёшлигимда бажарганман. Сизлардан ҳам бирортангиз васиятимни бажаринг. Ўлганимдан сўнг қабримни кенгроқ кавлаб бир кеча мен билан ҳамроҳ бўлинг.

Орадан бир неча кун ўтиб, савдогар оламдан кўз юмибди. Болалари ота васиятини бажариб, қабрни кенгроқ кавлашибди-ю, лекин бир кеча ҳамроҳ бўлишга юраклари дов бермай, саҳрода юрган бир ўтинчини бир хум олтинга бир кечага ёллаб, қабр устини энгилроқ ёпишибди.

Мўъжизани қарангки, кечаси мункар нақирлар келиб, ўлган у ёқда қолиб, савол жавобни ўтинчидан бошлашибди. "Белингадаги арқонни қаердан олдинг?" сўрашибди улар. Ўтинчи титраб кўчадан топиб олганини айтибди. Мункар нақирлар дарғазаб бўлиб: "Нега эгасини рози қилмадинг?" деб сўрашибди. Ўтинчини

тонггача кўз кўриб кулоқ эшитмаган азоблар билан кийнашибди.

Тонг отибди. Савдогарнинг ўғиллари бир хум олтин билан келиб қабрни очишса ўтинчи чиқибоқ қоча бошлабди. "Ҳой, тўхта, олтинни олиб кетмайсанми?" деб бақиршибди ўғиллар.

- Эй, йўқ, - дебди ўтинчи. - Икки кулоқ арқонга шунча азоб чекдим, шунча олтинни бошимга ураманми? Мен оми бир одам бўлсам, унинг солиғи закотини қандай бераман?

Савдогарларнинг ўғиллари воқеани тўла тушуниб етибдилар ва оталарининг нима учун молу-дунёга муҳаббати йўқлигини тушунишибди.

Ҳа, азизлар. Молу-дунё инсонни оҳанграбодай ўзига чорлайди, аммо белгиланган солиқларни, закотлар ва эҳсонларни оғринмай бера олсак, топганимиз ҳалол ва барокотли бўлар экан. Бола-чақа ризқи учун қилинган ҳалол меҳнат ҳам ибодатдир. Очкўзда мусулмончилик, беҳаёда иймон, шармандада ватан, гурури йўқда миллат бўлмайди.

Айтгани қилган фарзанд

Ривоят қилишларига қараганда Мусо алайҳиссалом яшаган асрда касби дурадгор бир кимса бўлиб, Парвардигор унга танҳо ўғил ато этган экан. Унинг ўғли ўн саккиз ёшга етганда шаҳарнинг энг барно йигити бўлиш билан бирга ақл-одобда ҳам ҳаммани лол этар даражада экан. Айниқса чавандозлик ва уруш санъатини мукамал эгаллабди. Кунлардан бир кун ота эрта тонгда шаҳарнинг Чорсусига ўғлини олиб келибди-да, одамлар гавжум паллада уни қамчилай бошлабди. Унинг бундай ҳаракатидан донг қотган одамлар:

- Нега шундай алпқомат ўғлингни уряпсан? - дея сўрабдилар.

- Бу ахмоқ айтгани қиладида, - деб жавоб қилибди ва янада қаттиқроқ қамчилай бошлабди.

Оломон бу уста умуман эсини еб қўйибди, деб бошини сарак-сарак қилганча афсус-надоматлар билан йўлларида давом этишибди. Уста эса уч кунга қадар ҳар куни ўғлини Чорсуга бошлаб келар, уни кечгача савалар экан. Бу ҳолни ҳар куни кузатган одамлар бечора ўғлига

юраги ачишиб, "оҳ" тортсалар, бешафқат отанинг бундай ишидан нафратланиб, уни қарғар эканлар. Ва ниҳоят тўртинчи куни пешинга яқин ўғлини савалаётган устага ўн олти ёшлар атрофидаги парилардай гўзал қиз яқинлашибди.

- Отахон, ўғлингиз қандай гуноҳи билан бундай жазога лойиқ топилди?

- Кўрмайсизми, қизим - уста ҳаракатидан тўхтабди,

- бу ўғил айтганини қилади-да.

- Ундай бўлса, - дебди қиз жиддий оҳангда, - уни янада қаттиқроқ жазоланг.

Қизнинг бу гапини эшитган оломон ҳайрон бўлиб, "бу қиз бунча бешафқат" дея қичқира бошлабди. Оломонни тинчлантирган катта ёшдаги бир киши қиздан оҳиста сўрабди:

- Қизим, нега бундай қарорга келдингиз?

- Отахон, - мулойимлик билан жавоб қила бошлабди қиз, - асл инсон бир киши бирор ишни айтмасидан аввал қила билмоғи лозим. Итти итлиги шундаки, у айтганингизни қилади. Одамнинг одамлиги эса фикрлаб, ўзи билиб иш қилишида.

Оломон қизнинг жавобидан лол қолибди ва унга таъзим қилиб, тасаннолар ўқишди. Уста эса ўғлини ўша қизга уйлантириб, кўнгил хотиржам тортибди.

Қиссадан ҳисса шулки, барчамиз ўз ишимизни ўзимиз билган ҳолда қилайлик ва Оллоҳ шундай фарзандларни ато этган бўлсин.

Оллоҳ севган амаллар султони - одилликдир!

Ривоят қилишларича қадим замонда бир одил подшоҳ бўлиб унинг одиллиги, саҳийлиги инсонни танг қолдиргудай, - раҳмдиллик бобида тенгсиз. Халқи ундан рози экан.

Кечалари Одил подшоҳ шаҳарларни айланиб халқ тинчлигини сақлар, кундузи бозорлар айланиб халқ турмуши билан танишар. Халқ тинч, шоҳ тинч, юрт обод. Бирор бир мамлакат буларга хужум қилгани юраги дов бермас, чунки одил подшоҳ душманга қарши бутун халқини кўтара олар, унинг аскарлари ватан озодлиги учун жонини аямас. У шаҳрида ёлланма аскар сақламас

экан. Тинчлик, сокинлик ва бахт билан ўтказилган умр тез ўтар экан. Орадан қирқ йил ўтиб подшоҳ қариб қолибди.

Кунлардан бир кун у ойнага қараб сочида қора кўрмабди ва ўйлаб: эҳ, умр шунча тез ўтди, мен нима қилдим, деб ўйлабди. Бир-бир қилган ишларини эслабди: ҳа у кўп боғлар яратди, кўприклар, каналлар қазиди, фақат ҳаж сафарини қила олмабди, унда шу армон қолибди. У вазирини чорлаб, "Эй вазир аъзам! Сен менинг вазирим ҳам дўстим, маслаҳатдошимсан, сен билан биз бирга ўсдик вояга етдик. Сен ҳам, мен ҳам ҳаж сафарини қилмабмиз", дебди.

Шунда вазир шоҳдан изн сўраб ўз маҳалласида бир Зокир киши борлигини, у жуда олим жаҳонгашта, 25 бор ҳаж қилганини, агар шоҳ лозим топса ўша киши билан суҳбатлашишлигини айтибди. Шунда шоҳ тез ўша кишини чақиртириб келиб унга чуқур ҳурмат кўрсатибди ва дебди:

- Эй Оллоҳ севган банда, агар кўнглинга олмасанг бир илтимосим ва ўтинчим бор. Мен халқ гамида юрдим, ҳажга боролмадим. Мен ҳажга кетиб қолсам, менинг амалдорларим халққа зулм қилармикан ёки бирор давлат бу юрт эгасиз қолди деб хужум қилармикан деб бора олмадим. Агар лозим топсанг сен ўзингни 25 бор қилган ҳажингдан бирортасини менга берсанг, мен ҳам сенга сен хоҳлаганингча бойлик берам", дебди.

Зокир киши бироз сукут сақлаб туриб:

- Эй подшоҳим, бир марта ҳаж сафарини бажо айлаш ва ҳаж амалларини бажариш фарздир. Майли, мен ўзимга биринчи бор қилган фарз ҳаж амалимни олиб қолиб, қолган 24 бор қилган нафл ҳажимни сизга берай, сиз менга бир кунлик одиллик билан қилган подшоҳлигингиз савобини беринг, мен розиман.

Подшоҳ ўйлаб туриб натижани кейинга қолдирибди ва уламоларни йиғиб шу масалани сўрабди. Уламолар кенгашиб бир кунлик одиллик билан қилган подшоҳликни савоби 24 бор қилган нафл ҳаж савобидан улуғ деб топишибди.

Мана азиэлар одиллик, ҳалоллик нархи қанча.

Ҳамма ҳам подшоҳ бўлавермайди. Эҳтимол, бири корхона раҳбаридир, эҳтимол бирида бошлиқдир, ҳеч бўлмаса оила бошлиғидир. Ҳар ким ўз оиласида

келинлари, қизлари, набиралари олдида одил ва пок бўлса, раҳмдил бўлса унга ҳам шу ваъдалар бор экан. Ҳар ким ўзига муте бўлган кишилар фаровонлигига масъулдир.

Султон ота ва шайтон

Ривоят қилишларича, қадим замонда Султон ота исмли имон-этиқодли бир киши яшаган экан. Бу инсон ўз нафсини бўйсиндирган, сабр-тоқатли, қалби Яратганга шукронага тўлиқ мўминлардан экан.

Кунларнинг бирида ул зот бемор биродарини зиёрат қилиш учун йўлга тушибдилар. Дилда шукрона айтиб кетиб турсалар, ноҳос қоқилиб, йиқилиб тушибдилар. Султон ота дарров ўринларидан туриб, ўзларини ўнглаб олибдилар-да "Ё Оллоҳ, ўзингга шукр! Қариб-қартайсам ҳам ўз оёғим билан юрибман. Йиқилсам ҳам шикаст топмадим", дея яна йўлда давом этибдилар. Буни қарангки, яна бир неча қадам босгач, тагин йиқилибдилар. Султон ота яна ўзларини ўнглаб "Ё Оллоҳ, ўзингга шукр! Йиқилсам ҳам қаттиқ шикаст емадим, тиззам бироз шилиндию, қон чиқмади, таҳорат синмади" дея кетаверибдилар.

Кутилмаганда у кишининг рўпарасидан юзига ниқоб тутган, бақувват бир йигит чиқиб келибди. Оқшом бўлиб қолгани учун кўлига чироқ ҳам кўтариб олган экан. У отага ёрдамлашиб юборибди. Султон ота дўсти яшайдиган хонадон эшигига етгач, йигитни дуо қилиш учун фотиҳага кўл очибдилар. Шунда йигит: "Ҳай, ҳай, ота, мени дуо қилиб овора бўлманг, барибир тегмайди. Чунки мен шайтонман", дебди.

Султон ота ҳайрон бўлиб:

- Э, бадбахт, агар сен шайтон бўлсанг нега менга яхшилик қилдинг? Ахир сенинг аъмолинг - бандаларга ёмонлик-ку?! - дебдилар.

Шунда шайтон бундай дебди:

- Эй, Султон ота, тўғри, биз шайтонлардан яхшилик кутиб бўлмайди. Сиз ўзингиз оч бўла туриб, ана шу иккита нонни хаста ва муҳтож биродарингиз учун олиб кетаётганингизни кўрган Оллоҳ фаришталарга "қаранг, анави бандам бир беморнинг кўнглини обод айлагани кетяпти" дея сизга муҳаббат назарини солди. Мен эса

ёниб кетдим. Сиз биринчи бор йиқилдингиз ва унга шукрона айтдингиз. Шунда Оллоҳ амр қилди: "Шу бандамнинг барча гуноҳларидан кечдим. Умрининг охиригача гуноҳ қилса ҳам - ёзманглар!". Мен бундан баттар ғазабга миндим. Сиз иккинчи марта йиқилиб, яна шукр дедингиз. Буни кўрган Оллоҳ яна амр қилди: "Шу бандамнинг етти пушти қилган гуноҳларидан кечдим! Унга жаннатдан шундай жой тайёрлангки ҳатто авлиёлар ҳавас қилсин!".

Мен бундан баттар ёниб кетдим. Шошиб сизни манзилингизга етказишга ошиқдим. Йўқса яна бир марта йиқилиб, шукр келтирсангиз, Оллоҳ бутун бошли шаҳарнинг гуноҳини кечиб юбориши мумкин эди-да.

Султон ота ғазабланиб, уни ҳайдаб солибдилар.

Оллоҳга муҳаббат ва шукроналик қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Қирқинчи чилтон

Ривоят қилишларча, қадим замонларда Абдурахмон исмли инсофли, диёнатли киши яшаган экан. У етим ўсган, жуда камбағал яшаркан. Шу боис ёши ўттиздан ошса ҳам уйланомай юраверибди. Абдурахмоннинг қўли очиқ, топган бир бурда нонини ҳам бева-бечоралар билан баҳам кўраркан. Раҳмдилликда унинг тенги йўқ экан.

Жуда ночор аҳволда қолган Абдурахмон кунларнинг бирида олим ва фозил кишининг ҳузурига бориб ундан маслаҳат сўрапти.

- Мен нима иш қилсам бирим икки бўлади? Мен ҳам инсонлардай яшайманми?

Фозил киши Абдурахмоннинг касбини сўрабди ва унинг ниҳоятда ҳалоллигини сезибди. Уни синаш учун "Ўғирлик қил" депти. Абдурахмон бу маслаҳатдан сесканиб тушибди.

- Ахир бу гуноҳи азим-ку? - депти у.

- Биламан, -деб жавоб берибди фозил киши.- Сен айтганимни бажар, ажрини кейин кўрасан.

Абдурахмон бу гапдан сўнг ўғирлик қилишга бел боғлабди.

Ярим кечаси бир уйга кирибди. Ҳовлида ёлғиз кампир яшар, бисотида бир дона эчкиси бор экан холос.

Абдурахмон ўйлай-ўйлай шундай қарорга келибди. "Агар эчкини ўғирласам, кампир очликдан вафот этиши аниқ. Кел, яхшиси, бойроқ кишиникига туша қолай".

Шундай деб у эртасига тунда бой-бадавлат кишиникига ўғирликка тушибди. Қўлига кирган нарсани қопга солиб орқалабди. Лекин икки-уч қадам юрмай, қопни ерга қўйибди. Эсига бойнинг жуда камбағалпарварлиги тушибди. Кимки муҳтож бўлса, албатта унинг эшигини қоқаркан. Абдурахмон "Эл корига яраб турган кишини тунаш-гуноҳи азим" дея, қопни ташлаб чиқиб кетибди.

Бечора Абдурахмон қаерга ўғирликка тушишини билолмай, айланиб масжидга кириб қолибди. Қараса, атрофда гиламлар кўп эмиш. Унинг боши қотибди. Охир-оқибат "Масжид - Худонинг уйи, агар гиламни ўғирласам, мусулмонлар газабига қоламан" дея чиқиб кетмоқчи бўпти. Чиндан ҳам виждонли киши учун ўғирлик қилиш жуда қийин, иш экан дебди у ўзича.

Шу пайт кутилмаганда масжидга бир неча киши кирибди. Жаноза ўқиб бўлишгач, шундай дейишибди: "Мана, қирқ чилтон эдик, ўттиз тўқиз қолдик. Энди қирқинчини қаердан топамиз?" Уларнинг бошлиғи оҳиста сўз бошлабди: "Оллоҳ ўзи синовлардан ўтказиб тайёрлаб қўйган" дея гилам орқасида яшириниб турган Абдурахмонга ишора қилди.

Чилтонлар Абдурахмонга иззат-икром кўрсатиб, ўзларига қўшиб олишибди. Шундай қилиб имон-эътиқодли Абдурахмон дунёкезар чилтонлар сафига қўшилибди.

Сабоқ

Самарқанд томонида Абдул Қосим деган бир подшоҳ ўтган экан. Унинг беҳисоб лашкарлари бўлиб, халқи тўқ ва тинч экан. Кечанинг кундузи, оқнинг қораси бўлганидай, унинг ҳам бир ичи қора, сотқин вазири бўлиб, атрофига порахўрлар йиғилган экан. Улар аста-секин подшоҳни кўкка кўтариб мақтаб, майхўрликка ўргатишиб, давлатни кемира бошлашибди.

Кўп вақтларда подшоҳ мастлигидан фойдаланиб, янги-янги солиқларга муҳр бостиришар, нарх-наво эса тинимсиз ошиб борар экан. Халқ эса кундан-кунга

камбағаллаша борибди. Вазирнинг бойлиги эса ошиб борарди, бойлик ошган сари очкўзлик кучаяр экан.

Мамлакатда нотинчлик бошланибди, зиндонлар тўлибди, мамлакатда ҳар хил касалликлар тарқабди. Бу фурсатни кутиб ётган кўчманчи қабилалар сардори Абдул Файз сотқин вазир ёрдамида мамлакатни қўлга киритибди.

Абдул Қосим шаҳарни ташлаб зўрға жонини сақлаб Фарғона томониغا қочибди. У мусофир юртда хунари йўқ бир йил мардикор ишлаб, ҳалол кун кўрибди.

Бир кун у бир савдогар хонадонига ишлагани борибди. Савдогар ҳам ўта бой бўлишига қарамай меҳнатни севар экан. У Абдул Қосим билан бирга тер тўкиб, тушликка бирга ўтиришибди. Шунда савдогар подшоҳ тарбиясидаги ўзгаришларни кўриб, сўрабди: "Эй йигит! Сиз кимсиз? Рост айтинг, сиз аслзодага ўхшайсиз".

Шунда Абдул Қосим: "Эй биродар, мен айтаман-у лекин сиз ишонмайсиз-да" деб ўзини танитибди. Савдогар Абдул Қосим тўғрисида гаплар эшитганди. У подшоҳга қурол-яроғ, анча маблағ бериб, дуо қилиб жўнатибди.

Абдул Қосим атрофига одам тўплаб, бир йил курашиб ўз мамлакатига эга бўлибди. Ўзининг ҳаётда орттирган тажрибаси билан тез кунда мамлакат ривожланиб кетибди. Савдогарларга жуда катта шароит яратибди. Унинг номи дунёга машҳур бўлибди. У ўша савдогарни топтириб келиб, унга меҳр кўрсатиб, устозим деб тан олибди. Қолган умрини ҳокисорлик билан ўтказибди.

Оталик фарзи

Мусулмонлар халифаси Хорун ар-Рашид халқ ҳаётини ўрганиш учун фақирона кийиниб ҳайвон бозорини айланиб юрса, бир қассоб бир қўйнинг баҳосини сўрабди. Сотувчи "20 танга" деганини эшитиб, қассоб "қўйингизнинг 14 кило гўшти 4,5 кило ёғи бор. Унинг нархи 15 танга холос" дебди ва қўйни олмай кетибди. Халифа навкарларидан бирига қўйни сотиб олишни, иккинчисига қассоб ортидан боришни буюрибди.

Бозордан қайтгач, ўша қўйни сўйишибди ва қассоб

айтганидек, 14 кило гўшт ва 4,5 кило ёғ чиққанини кўришибди. Қассобни топиб келишибди ва унга яна икки кўчқорни кўрсатиб, қанча гўшт ва ёғ борлигини сўрашибди. Кўчқорлар сўйилганида! сўнг қассоб айтган ёғ-гўшт чиқибди. Халифа қойил қолибди ҳамда ундан дунёвий ва ухравий илмлардан сўрабди. Афсус, қассобнинг калласи бу соҳада бўш эди. Шунда халифа дебди:

- Эй қассобзода! Наҳот ҳаётни фақат қассобчиликда деб тушунсанг? Қани сенда ватанга муҳаббат, халқингга муҳаббат? Наҳот ҳалол ва ҳаромнинг фарқига етмасанг!

Халифа жар чақиртириб, эълон қилибди:

- Ушбу қассоб шунча зеҳни, шунча илми бўла туриб, ё дунёвий, ё ухравий илм олмагани, ҳалол-ҳаром фарқига бормагани учун бошқаларга ибрат бўлсин деб, келгуси жума кuni уни остираман.

Ҳамма бу ҳукмдан рози бўлиб, одиллигини тан олишибди.

Эртаси кuni халифа қабулига икки ёш йигитча кириб келибди. Халифа уларнинг хулқу-ахлоқини кўриб "фарзандинг бўлса, шундай бўлсин" деб кўйибди. Йигитлар халифадан гапиришга изн сўрашибди ва рухсатдан сўнг дейишибди:

- Эй шаҳаншоҳ! Аввало бизнинг бир қошиқ қонимиздан кечинг. Биз ўлимга ҳукм қилинган қассобнинг ўғилларимиз. Отамиздан сўралган саволларни биздан сўрасангиз.

Халифа болаларни узоқ саволга тутиб, улардаги илм етукликни сезиб, кучлироқ олим кишиларни чорлаб, илм мажлиси ўтказиб, болаларнинг зеҳни ва илмига қойил қолибди ва дебди:

- Сизларга тасанно, лекин отангизга чиқарилган ҳукм ҳаммага маъқул келган ва кўпчиликка ибратдир.

Шунда қассобнинг катта ўғли:

- Эй муҳтарам жамоа! Бола - лой, ота ва она кулол эмасми? Бола онадан ўғри, қотил ёки алдоқчи бўлиб туғилмайди-ку. Уни тарбияловчи ота-она ва ташқи муҳитдир. Отамизга чиқарган ҳукмни отамизга эмас, унинг отасига чиқариш керак эди. Отамиз ўзи илмсиз бўлса ҳам, бизни шунчалик илмли, маърифатли бўлишимизга шароит яратди. Отамиз таҳсинга лойиқдир, - деди.

Халифа узоқ сукут сақлади ва деди:

- Эй вазир! Сен энди истеъфога чиқ. Шу бола менга вазир бўлсин. Эй жаллод! Қассобни олиб кел, устига зарбоп тўн ёп, бу элга ибрат бўлсин. Чунки бизнинг келажакимиз - фарзандларимиз. Бола тарбиялашдаги олийжаноблиги учун қассоб шунга лойиқдир. Қассобнинг отаси тирик бўлса, олиб келинг, ўлган бўлса, гўри устига ўттиз дарра уринг. Чунки шу қассоб ҳам ёшлигида ўта истеъдодли бўлган. Отаси эса унга қассобчиликдан бошқа нарсани ўргатмаган.

Дунёвий ва ухравий илм изламоқ туғилгандан то лаҳадга боргунча фарз. Ўз маънавиятимиз ва миллий гуруримизни ўзимиз кўтарайлик. Бизнинг ҳам гўримиз устига дарра тушишидан Оллоҳ асрасин.

Ҳалоллик

Қадим замонда Абдусалом деган бир ҳалол инсон ўтган экан. Унинг яккаю-ягона фарзанди бўлиб, у боласини жуда яхши кўрар, еру-кўкка ишонмас экан. Кунлар, йиллар ўтиб бола катта паҳлавон йигит бўлибди. Бир кун у отасига маслаҳат солибди:

- Эй, ота! Энди нима касб қилай?

Отаси:

- Эй, ўғлим. "Бўйнидан боғланган ит овга ярамас", деган гап бор. Энди сен бир хунар ёки касбни ўзинг танла ва шунга меҳр қўй.

Шунда ўғли:

- Энг яхши касб - ўғирлик бўлса керак, - дебди.

Отаси шунда дебди:

- Майли ўғлим, ўғирлик бўлса ўғирлик-да. Кўшнимизнинг қўйини ўғирлаб кўрчи.

Ўғли қўшни хонадондаги битта катта қўчқорни ўғирлаб олиб келибди. Отаси хурсанд бўлибди ва:

- Ўғлим, зўр иш қилдинг. Энди иккимиз ўзимизни тежаймиз ва бир ҳафта уйдан чиқмай, шу қўйни мазза қилиб еймиз, - дебди.

Хуллас, астойдил бир ҳафта мазза қилиб маишат қилишибди. Қўйни еб бўлгач, ўзларини тортишибди. Ўғил бир ҳафтада уч килога озибди. Ота эса тўрт кило кўпайибди. Ўғил ҳайрон бўлиб отасига боқибди. Ота кулиб дебди:

- Эй, нодон ўғил! Билиб кўй, сен ўғирлаган кўйнинг пулини мен бир кун олдин кўшнига бериб кўйганман. Шунинг учун мен хотиржам семирдим. Кўрдингми, сен ўзингга ҳалол касб танла. У дунёнинг ҳам, бу дунёнинг ҳам обод бўлур. Ҳалоллик - жаннат меваси, ҳаромлик эса дўзах кулфатидир.

Ота касб

Қадимда бир киши подшо жаноби олийларига арз-дод қилибди:

- Онҳазрат, камина ўз ҳалол меҳнатим билан рўзғор тебратайин деб ҳарчанд ҳаракат қиламан, лекин сира косам оқармайди. Муҳтожлик эзиб юборди. Уйда - болачақа оч-ялонғоч ўтирибди. Маслаҳат берсангиз нима қилай?

- Отанг қандай касб билан машғул бўлган?

- ...

- Нима иш бажарган деяпман?

- ?!

- Нега мижговланасан? Гапир, нима, овсармисан?

- Айтишга ноқулай, валинеъматим.

- Яъни масалан?

- Нима десам экан?... Қиблагоҳимиз ўғри бўлганлар.

Ўғрилиқ орқасидан кун кўрганлар.

- Ҳм... Бўпти-да, сен ҳам ўғри бўл. Ўғрилиқ қил.

Шунда тарақлаб кетасан! Ота касбини хор қилган одамнинг ўзи хор бўлади. Ўзингни ерга урма, ўғрилиқ ила машғул бўл. Рухсат бердим сенга.

Йигит уйига авзойи бузилиб қайтади. Бу не кўргулик?

Ахир ўғрилиқ қилиш чўнг гуноҳ-а. Подшога паноҳ истаб борсам, фуқарони тунашга даъват этгани ғалат бўлди-ку. Бу ёқда норасида гўдақларим оч-наҳор ўтиришибди. Нон, деб йиғлайди.

Очдан қоч, дейдилар. Ночор, керакли асбоб-анжомларни кўлига олиб, қоқ тунда шаҳардаги энг йўғон бойнинг ҳовлисига ўғриликка тушишга жўнайди. Кўрғон деворидан секин сакраб ўтади... Қараса, ҳув нарида от боғлоқлик турибди. Уни ечиб, дарвоза томон яқинлашаркан, бирдан ўйга чўмади. Эртага хонадон соҳиби иш юзасидан бирор жойга бормоқчи бўлганида, ногаҳонда аниқлайдики, уловни ўмариб кетишган. Қон

қақшаб қолади-ку! Йўқ, бу инсофдан эмас. Отни сайисхонга обориб боғлайди-да, ўзи жұфтакни ростлайди. Эҳ, ови бароридан олмади. Уйига келиб кўрсаки, шўрлик хотини ўчоққа олов ёқиб, қозондаги сувни қуруқ қайнатиб ётибди. Очликдан зор-зор йиғлаётган гўдақларини алдаб овунтириш учун.

Эртаси куни тунда йигит яна ўша бадавлат хонадонга боради. Бу гал оғилхонада боғлоқлик турган таргил говмишга кўзи тушади. Сигирни етаклаб борар экан, яна ўйланади: "Ие, бойнинг ўзимники каби ёш болалари, гўдақлари бор. Улар эрталаб ширчой ичиши, қаймоқ ейиши керак. Мен бўлсам сигирни ўғирлаб кетаётибман... Йўқ, инсофдан эмас". Молни жойига обориб боғлайди-да, қийналиб чиқиб кетади.

Хуллас, учинчи куни кўргонга "ташриф буюрганида", тимирскиланиб юриб ҳеч нарса тополмайди. Топади, лекин ҳамма нарса - олтин соплик пичоқ, зарбоп тўн, қимматбаҳо зеб-зийнатлар - бари бойга "керак" бўлиб чиқаверади. Аини пайтда уйда зор қақшаб йиғлаётган хотини билан норасида болалари кўз-олдига келиб, ичи эзилади. Хуллас, бу гал ҳам қуруқ қайтмайин, деб уйдагиларини алдаш учун кўлтиғидан қопга тандирдаги қулдан тўлдириб олади-да, орқалаб жўнайди. Қопни ҳовлида қолдириб, уйга афтодаҳол кириб боради. Тоқати тоқ бўлган хотини омадсиз зрига қарайди:

- Ишлаб бирон нарса топиб келдингизми? Бўларимиз бўлди-ку? Манов гўдақларни қачонгача алдайман!

- Ҳа, суюнчи бер, бир қоп олтин келтирдим, хотин. Ана, ҳовлида турибди. Шунда бир ҳовучини ол-да, бозордан емиш харид қилгин.

Аёл чиқиб қараса, не кўз билан кўрсинки, катта бир қоп олтин тирбанд турибди. Қип-қизил тилла! Керагини олиб, бозордан тўлиб-тошиб харид қилиб келади. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой.

Инсоф сари барака, дейди халқимиз. Яна: "ўғри бўл - инсоф билан бўл". Йигит подшоҳнинг айтганини қилди: ота касб юзасидан ўғрилиқка чиққан бўлди. Инсофни ҳам топмади. Ўзини ерга урмади. Парвардигорнинг раҳми келиб, уни мукофотлади - фаровон қилди, бир қоп қулни бир қоп олтинга айлантирди.

Яхшилик нима?

Қадим замонда бир саховатли киши ўтган экан. Унинг учта ўғли бўлиб, улар пахлавон-ботир бўлиб ўсишибди. Ота ўз ўғилларини бир синаб кўрмоқчи блиб, уларни чақирибди ва дебди: "Эй ўғилларим! Уччалангиз уч томонга саёҳатга чиқинг ва одамларга яхшилик қилинг. Қилган ишингизни баҳосини келганингиздан кейин мен бераман".

Йигитлар йўлга тушишибди ва бир ойда ота ҳузурига йигилишибди. Ота биринчи ўғилни сўроққа тутибди.

"Ота, бир қишлоқдан ўтиб кетаётсам ёнғинга дуч келдим ва уни ўчиришга ёрдам бердим", дебди у.

Отанинг қовоғи уйилибди ва иккинчи ўғилдан сўрабди.

"Ота, бир қишлоқдан ўтиб кетаётсам бир бола сувга чўкиб кетаётган экан. Ўша болани қутқардим".

Отанинг қовоғи яна уйилибди ва ҳафсаласи пир бўлиб учинчи ўғилдан сўрабди: "Сен нима қилдинг?"

"Ота, мен арзимас бир иш қилдим", дебди. Ота сўрабди: "Нима яхшилик қилдинг?"

"Ўрмон ичидан ўтиб кетаётсам, менга бир бўри ҳужум қилди, биз олишдик, охири мен уни миниб олиб, бўғиб ўлдираётган эдим, шунда икки боласи ўрмалаб уйдан чиқиб қолди. Бўри болаларига раҳмим келиб, уни қўйиб юбордим".

Отанинг қовоғи очилибди ва дебди: "Эй, катта ўғилларим, сиз яхшилик эмас, ўз бурчингизни бажарибсиз, холос. Аммо кенжа ўғил ҳақиқий яхшилик қилибди. Агар киши душманига ҳам яхшилик қила олса, раҳмдил бўлса, Оллоҳ севган банда бўлади.

Эй ўғилларим, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ерда қолмайди. Бошқадан қайтмаса Оллоҳдан қайтади. Яхшилик қилган одаминг-дан эҳтимол ёмонлик қайтар, сен яна яхшилик қилолсанг, бу ишинг таҳсинга лойиққир. Ҳузурини жаннатда кўрасан".

Ҳалоллик оқибати

Қадим замонда икки ака-ука ўтган экан. Каттасининг исми Хизр, кичигиники Илёс бўлиб, улар ўта ҳалол, художўй, ўз нафсларини ҳоқони эканлар. Хизр уч фарзандли, Илёс ҳали балоғат ёшида экан.

Ака-ука баҳорда адирга бугдой сепишибди, у пишкач, ўриб, хирмон қилиб, уни иккига бўлишибди. Аммо, қоронғи тушиб, бугдойни пойлаб ётадиган бўлишибди. Аввал Хизр пойлаб, бедор бўлибди. Илёс эса роға черчаб, ширин уйқуга кетибди. Кеча сокин, Хизр ўйлаб туриб "укам билан тенг меҳнат қилдик, бугдойни ҳам баробар бўлишдик. Аммо, укамга кўпроқ тегса, у уйланиб, ўзини тиклаб оларди" дея бугдойнинг ярмидан кўпроғини укаси улушига қўшиб қўйибди. Кечанинг ярми ўтибди, Хизр ўз ишидан хурсанд, укасини уйғотибди-да, ўзи ширин уйқуга кетибди.

Илёс бедор, ўйлаб териб: "Мен сўққабашман, акам бола-чақали. Бугдой унга кўпроқ тегиши керак эди деб, ўз улушини ярмидан кўпроғини акасининг улушига ташиб қўйибди.

Тонг отибди. Ака-ука ўз ишларидан хурсанд, улушларини уйларига таший бошлашибди. Қоронғи тушгунча ташишибди, лекин хирмондаги бугдой камайиши ўрнига кўпаярмиш... ака-уканинг ҳалол ва меҳр оқибатлиги учун Оллоҳ хирмонларига барака берган эди.

Улар Оллоҳга ҳамду-сано айтишибди, қолган бугдойларни ҳалққа эҳсон қилиб тарқатишибди.

Шу кун Оллоҳдан ваҳий келибди, улар Хаста Хизр ва Хаста Илёсга айланишибди. Ака-укалар қиёматгача ўлмайдиган, бутун дунё халқига яхшилик улашадиган Оллоҳ севган бандага айланишибди.

Ҳа, азизлар, мол-дунё, меросу уй-жой талашиб, акаси ёки укасига қасд қилаётганларни нима кутаётган экан?

Виждони, ҳаёси йўқ кишида иймон бўлмайди. Ўз ака-укасига, ота-онасига вафодор бўлмаган инсон Ватанига ҳам содиқ бўлмайди.

Савдогарлик ва эҳсон

Одил ва ўта бой савдогар бўлган экан, уни ҳамма хурмат қиларкан. Бир синчков йигит ушбу савдогарнинг ҳунарини ўрганмоқчи бўлиб, орқасидан пойлаб юрибди. Савдогар ҳам ҳамма қандай яшаса, шундай яшар экан.

Кунлардан бир кун ўша синчков одам савдогарни орқасидан пойлаб кетаётса, савдогар бир жойда бир

мири устида анча тортишиб, иккита нон сотиб олиб йўлида давом этибди ва ночор бир одамни учратиб, унга 10 танга берибди. Шунда ҳилиги синчков одам ҳайрон бўлиб, савдогардан сўрабди:

"Бир мири учун анча талашдингиз, аммо 10 тангани индамай бериб юборяпсиз?"

Шунда савдогар: "У талашганим, яъни савдолашганим - бу менинг касбим. Аммо берганим - қилган эҳсоним, ҳимматимдир", деб жавоб қайтарибди.

Ҳа, азизлар, ҳимматли бўлиш инсоннинг олижаноб фазилатларидан биридир. Шунингдек, ҳар қандай одам мискин ва ғариб, етим-есирларга ўз эҳтиёжидан орттириб, эҳсон беролса Оллоҳ унга ўз нурини ёғдиради.

Жўмард дев

Мусо пайгамбар Мусаи Каломуллоҳ - яъни Оллоҳ билан сўзлашган киши эканлар...

Бир куни у киши Оллоҳ билан сўзлашгани Худ тоғига кетаётиб, йўлда бир маҳлукқа дуч келибдилар. У қора дев экан. Дев у кишини тўхташиб, дебди:

- Эй, Мусо! Мен шу саҳрода Оллоҳнинг берган ризқига шукур қилиб яшаяпман. Бўш вақтимда ибодат қиламан, мен жаннатиманми ёки дўзахи, Оллоҳдан сўранг-чи?

Мусо алайҳиссалом Оллоҳ билан мулоқот қилиб бўлгач, дев тўғрисида сўрабдилар. Шунда Оллоҳ "Эй, Мусо! У девга айт, ибодат қилган бўлса ўзи учун қилган, унга жой дўзахдадир", дебди.

Мусо қайтаётиб, девга учраб, бор гапни айтибдилар. Шунда дев дебди:

- Эй, Мусо! Энди бир дуо қил, менинг гавдам шундай катта бўлсин-ки, мандан бошқа ҳеч кимса дўзахга сизмасин. У ерда қандайин азоб бўлса, фақат мен тортай. Мендан кейин ҳеч бир банда у ерга туша олмасин, азоб чекмасин...

Шунда Оллоҳдан Мусога ваҳий келибди: "Эй, Мусо! Девга айт, шу олийжаноблиги ва жўмардлиги учун жаннатнинг тўри уники".

Олийжаноблик, яъни бошқалар учун ўзини фидо қила олиш инсон учун энг яхши фазилатдир. Дунёда қилган гуноҳ-у-савоб ишларимиз учун Оллоҳ томонидан жазо

ёки яхшилик кўришимиз мумкинлигини бу ривоят яна бир бор эслатади. Зеро, олийжаноб инсонлардан Оллоҳ ҳам ўз лутфи карамини аямайди.

Тақдирга даво йўқ

Ривоят қилишларича Балиқчи тумани ўрнида жуда катта дарё бўлиб, унинг атрофида 40-50 қапа ва шунча оила яшаган экан, улар асосан балиқчилик билан тирикчилик қилишаркан. Ораларида Сардор исми балиқчи бўлиб, уни ўзларига етакчи ҳисоблашар экан. Чунки Сардор жуда танти, меҳнаткаш, мард инсон бўлиб, ўша даврнинг паҳлавони ҳам экан. Унинг оиласида яккаю-ягона қизи бўлиб, исми Сора экан.

Сора жуда шўх ва қувноқ қиз эди. Ҳамиша ҳазиллашиб, "мен тегсам, фақат Сулаймон пайғамбарга тегаман, оғиз солиб овора бўлманг" деркан. Бунга ҳамма кулиб "Эй Сора, кўрпангга қараб оёқ узат, сен қаердаю, Сулаймон қаерда?" дейишибди.

Ойлар, йиллар ўтибди. "Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди" деган гап бор.

Кунлардан бир кун ҳазрати Сулаймон ўз тахтида девлар ҳамроҳлигида Мағрибдаги подшоҳликларни назорат қилиб, Машриққа учиб келаётганида шу дарё бўйида дам олибди ва бехосдан узугини дарёга тушириб юборибди. Бу ҳолни кўрган, яъни узукка тобе бўлган девлар тарқаб кетишибди. Бечора Сулаймон юзун кийимда якка ўзи дарё бўйлаб пастга юра бошлабди ва Сардорнинг капасига келибди. Қорни оч, ночор эшик қоқиб озиқ сўрабди ва ўзининг савдогарлигини, қароқчилар талаганини баҳона қилибди. Ҳазрати Сулаймон шу ерда қолиб, Сардор билан балиқчилик қила бошлабдилар.

Орадан бир йил ўтиб кетибди. Сардор Сулаймондаги одамийликни кўриб, уни ўзига куёв қилиш нияти борлигини айтибди. Сулаймон ушбу таклифга рози бўлибди. Ўша пайтгача Сулаймон пайғамбар уйланмаган эканлар. Никоҳ маросими бўлибди. Сулаймон ва Сора бирга бир йил яшашибди.

Бир куни Сулаймон бир балиқ тутиб олибди. Унинг қорини ёрсалар, узук чиқибди. Хурсанд бўлиб, узукни кўлларида тақишлари билан девлар хизматларига нозир

бўлишибди. Сора хайрон бўлиб эрининг ҳақиқатда кимлигини шунда келибди ва Сулаймонга "Энди мен сизга керак бўлмасам керак", дебди. Сулаймон кулиб туриб, "Малика, сиз энди маликалар маликасисиз, бу менинг эмас, Оллоҳнинг иродаси" дебдилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтибди, афсуски Сулаймон пайғамбар Сорадан фарзандли бўлмабдилар. Ҳазрати Сулаймон хафақон бўлиб қолибдилар. Буни сезган Сора ўз эрларини ўзлари уйлаб қўйибдилар.

Биринчи никоҳ кечаси севги фироқиға чидолмай Сора фарёд уриб, боғ айланиб, бир дарахтни кучоқлаб олибдилар. Шунда ушбу дарахт теракка айланибди, барглари ҳудди аёл қалбидай нозик, сал шамол турса, хилпираб турар. Ҳудди Сорадай мевасиз, аммо мағрур. Инсонлар учун керакли дарахт шундай мўъжиза билан дунёга келибди. Сора яшаган жой Сулаймон пайғамбар қадамжолари "Балиқчи" номи билан, узукларини икки йил ютиб қайтармаган дарё "Қора дарё" деб номланибди.

Ибн Сино ва ит

Ривоят қилишларича Абу Али Ибн Сино жаноблари аёл кишини кўрмас, кўрсалар уйда ўтирар, аёл кишини олиб келган киши аёл билагидан ипга боғлаб, ипнинг бир учини ибн Сино жанобларига олиб кириб берар, табиб ипнинг титрашига қараб юрак уришини санаб, касаллик сирини аниқлаб, даволар эканлар. Бу улуг зотга Оллоҳ шундай буюк истеъдод берган экан. У кишидан зиён кўрган инсон бўлмаган экан. Муҳтожни пул билан, дори билан даволар, минг афсуски яхшининг ёмони, оқнинг қораси бўлганидай ўша пайтда ҳам яхшилик ёкмаган ақидапараст, илм аҳлига қарши инсонлар ҳам бўлган экан.

Улар кўчада кетаётишса бир катта она ит кўча четида оч-ночор аҳволда ётган эмиш. Улар итни масҳаралаб кулишибди. Шунда Абу Носир исмли ақидапараст биродарларига: "Келинлар, ушбу итни Ибн Синога олиб бориб бир маза қилмаймизми?" дебди. Биродарлари уни маъқуллашибди. Уларнинг иккитаси итнинг олдинги икки оёғини кўтариб икки томонидан қўлтиқлаб, устига ҳижоб ёпиб Ибн Синога олиб боришибди. Олдинги оёғидан

ипга боғлаб, унинг учини Ибн Синога олиб кириб беришибди.

Бечора она ит хуришга ҳам мажболи йўқ, ҳижоб тагида жим ётган эмиш. Ибн Сино жаноблари ипни ушлаб уни титрашига қараб туриб дебди; "Бу киши кимнинг заифалари?". Абу Носир нима дейишини билмай "меники" дебди. "Агар ушбу бемор сизнинг заифангиз бўлсалар, бу бемор соғ-саломатдур, фақат жуда оч, ночор. Кўпроқ қатиқ-сут бериб турилса, тез кунда жунлари чиқиб ҳожатингизга ярайдиган бўлиб қоладилар. Агар Оллоҳ мени адаштирамаган бўлса, беморнинг қоринларида ҳам 5 ёки 6 та ўзларига ўхшаган болалари бор".

Шу ҳазили учун Абу Носир "итнинг эри" лақаби билан аталадиган бўлибди.

Ҳа, азиэлар, илм олмоқ туғилгандан то ўлгунча фарздур. Илмли киши Оллоҳ севган банда бўлур. Уни ҳурмат қилмоқ бизларга ота-оналаримиздан меросдир.

Келинг азиэлар, кучимиз етганича фарзандларимизни ўқитайлик. Ўқитганда ҳам янгилик ярата оладиган қилиб ўқитайлик, ахир қадимда энг буюк даҳолар бизнинг авлодимиздан чиққан-ку. Чунки бизга Оллоҳ тўрт фаслни мукамал қилиб берган, бунинг қадрига етайлик.

Энг ҳалол ризқ

Бир деҳқон ўзидан боғ қолдириш мақсадида болачақиси билан чўлга кўчиб чиқиб, яхши ният билан тинимсиз меҳнат қила бошлабди.

Шу пайт гарбдан шарққа ўтиб кетаётган шамол бир муддат чўл қумларини у ёқ бу ёққа учуриб, деҳқонни масхаралаб эсиб ўтибди. Бир неча йилдан кейин орқага қайтаётганида, чўл ўрнида ажойиб боғни кўриб ҳайрон бўлибди ва ердан сўрабди: "Эй, ер мен адашдимми? Бу жой чўл-ғиёҳ унмаган тақир эди-ку? Мен қумларни учуриб юборардим". Шунда ер айтибди: "Эй шамол, мен она ерман, мени севганин севаман ва қуруқ қўймайман. Инсон менинг фарзандимдир. Менинг меваларимни, мендаги ҳосилни қара, энди қумларни учира олмайсан. Кел, сен ҳам оҳиста эсиб, инсонларга хизмат эт, уларнинг оғирини енгил қил". Шунда шамол дебди: "Эй ер,

одамларга ортиқча баҳо бермадингми? Мен ўз узок умримда ўз инсоний бурчларини эсдан чиқарган, она-ватан нима, она юрт нима билмаган, мол-дунё илиқжиди одабийлигини, ватанини арзимаган пулга сотганимни кўрдим. Хатто сағир молидан парҳез қилмаган, кибрга берилган, манманлик отига миниб шайтонга ошно бўлганларни кўрдим. Улар ҳам сенинг фарзандларингми?"

Бу саволни эшитган Она ер чуқур хўрсинибди. "Ҳа, улар ҳам менинг фарзандларимдир - мен оғир ерман, сабрлиман, уларга инсоф тилаб кутаман, уларни ҳам ўзимдан чиққан неъматлар билан боқаман. Бир кун келиб яхши ҳам, ёмон ҳам бола-чақа, молу-дунёбини ташлаб танҳо бағримга киради. Унинг ҳолидан хабар олгувчи бирор киши қолмайди, севимли ёри ҳам, фарзандлари ҳам бирор кеча гўрда ҳаёроҳ бўлолмайдилар. Мен инсонларни тирикликдаги амалларига қараб бағримда қиёматгача сақлайман. Яхшига қандай, ёмонга қандай муомала қилишим олғиз Оллоҳга аён".

Икки кўшни бир газ ерни талашиб, менинг ерим, сени еринг, деб охири муштлашишгача боришибди. Уларни мурасага келтирадиган ҳеч кимса йўқ. Уларданга беланиб узок муштлашишибди. Бу нодонликка чидамаган Она ер охири тилга кириб, "Эй нодонлар, иккинги ҳам меникисиз-ку. Бунча талашасиз. Ҳозир тирик экансиз, мендан унумли фойдаланинг, аҳил бўлинг. Мени севган - эл ризқи учун фидойи бўлган бобо-деҳқонга жаннат эшиги ҳаммадан аввал оғилур" - дебди.

Деҳқончилик энг улуғ касбдир, ердан етиштиратган нарсалар мўъжизадир, унга қалбакилик қилганлар у дунё - бу дунё хароб бўлгусидир.

Хизр ва қароқчи

Ривоят қилишларича қадим замонда Арслонбек исмли қароқчи ўтган экан. У ўз ҳаётини фақат ўғирлик, қароқчилик, майхўрлик билан ўтказибди. У табиатан ўта кучли ва сержаҳл экан. Бир кун у ойнага қараб соқоли ва сочига оқ оралаганини кўриб, юраги бир сесканибди ва ўтган ҳаётини ўйлаб афсус чекибди. Ахир ҳаёти фақат

гуноҳ иш қилиш билан ўтдику, қалбининг тубидаги ухлаб ётган виждони жунбушга келиб кўзига ёш қалқибди. Энди гуноҳларини қандай ювади. Қилган гуноҳлари жуда кўп-ку, қайси бирига тавба қилиб улгуради. Оллоҳ олдида нима деган одам бўлдим, менга шунча қувват, соғлик берди. Бу омонат дунёни туганмас деб билдим. Ҳа, шунчалик разолатга ботибманки, ҳатто ўтган умримни ва қариб қолганимни ҳам билмай қолибман - деб дод-фарёд қилиб чўлга чиқиб кетибди. Кўз олдидан қабр азоби, дўзах азоби ўта бошлабди, бошидан қум сочиб уйқуда ўтган умридан нолиб, фийғони кўкка етибди. Шу пайт унинг ёнидан ўтиб кетаётган нуруний бир кекса одам бунча дод-фарёднинг боиси не, деб сўрабди. Арслонбек йиғлаб бошидан ўтган ишларни айтиб берибди ва : "Отахон, сиз кўпни кўрган кишисиз, айтингчи Оллоҳ менинг гуноҳимни кечирармикан?" - дебди. Шунда бобо: "Эй, ўғлим кўзларингдан афсуснадомат ёшлари оқаётганини кўришиб турибди, Оллоҳ кечмайдиган гуноҳ йўқ, ноумид шайтон. Агар тавбанг астойдил бўлса, албатта кечади", - деб ҳассасини ерга бир урган экан, булоқ ҳосил бўлибди, - "Ўғлим мана шу булоқ сувига деҳқончилик қилгин. Шу ерда яшаб, саҳродан ўтган ҳар бир мусофирнинг дардига малҳам бўл. Сенинг олдингдан бирор киши қуруқ кетмасин. Кўлинг меҳнатда, дилинг Оллоҳда бўлсин. Мана шу ҳасса кўкарса билгинки, сенинг тавбанг ижобат бўлибди. Оллоҳ ҳайрли ишингда мададкор бўлсин, - деб дуо қилиб кўздан ғойиб бўлибди".

Арслонбек ҳангу-манг бўлиб, Оллоҳдан нажот сўраб ишга киришибди. Меҳнатдан қўллари қабариб, юзлари офтобда қорайиб кетибди. Ҳалол меҳнат нони ширин бўлар экан, ихлос билан узоқ меҳнат қилибди. Ойлар, йиллар ўтибди. Арслонбек макон қилган жой кундан-кунга обод бўлиб, шу жойдан ўтган қарвон унинг ҳаққига дуо қилибди. Арслонбек номи элга таралибди. Ҳатто одамлар бу мўъжизакор жойга зиёратга кела бошлабдилар.

Аммо булар Арслонбекни ҳеч мағрурлантормас, тилига тавба калимаси-ю, дилига Оллоҳни жойлаб тинимсиз меҳнат қилаверибди. Орадан етти йил ўтса ҳамки ҳассаси кўкармабди. Ана шундай кунларнинг бирида Арслонбек ҳассанинг кўкаришидан умидини узиб,

ўтган даврдаги гуноҳларини бир-бир кўз ўнгидан ўтказиб йиғлаб ўтирса, бир отлик йўлдан ўтиб қолибди. У ўз одатига кўра, югуриб йўлга чиқибди. Мусофирни тўхтатиб хуш тавозе билан "тақсир, қулингиз бўлай, бир нафас меҳмон бўлинг, отингизга бир оз дам беринг", - дебди. Шунда мусофир: "Эй, нодон, йўлдан қоч, сен яхшилик уругини сочаман деб овора бўлма, сендай ялангоёқ кимсалардан ор қиламан, сен менинг наздимда итдан баттарсан, чўлдаги бедаво бир кофирсан, тез йўлдан қочмасанг сени ўлдираман", - деб дўқ қилибди ва: "Тақсир, сиз нима десангиз шу, майли икки дона қовун берай, қуруқ кетманг, йўлда чанқасангиз ерсиз" - деб ялиниб ёлвораётган Арслонбекни қамчиси билан ура бошлабди. Бу хўрликка чидай олмаган Арслонбекнинг кўзи қонга тўлиб, отлиққа ташланибди. Уни отдан йиқитиб, кўксига эски усулида бир тепган экан, унинг оғзидан қони келиб, жон таслим қилибди. Арслонбекнинг жаҳли тарқаб, ўзига келгач, қилган ишидан оҳ урибди: "Нега шайтонга ҳай беролмадим, нима қилиб қўйдим. Умидим сўндику. Эй, Оллоҳим жонимни олиб қўяқолсангчи", - дея узоқ йиғлабди. Йиғлаб-йиғлаб чарчагач, бошини кўтариб қарасаки ҳасса кўкариб турганмиш. "Э воҳ, бу не ҳол", - деб бақириб юборибди. "Эй, Оллоҳим караминг кенг, сен билган нарсани ҳеч ким билмайди, бунда не сир бор?!", деб турса, яна ўша нуроний кекса пайдо бўлибди ва: "Муборак бўлсин ўғлим, сен Оллоҳ имтиҳонидан ўтдинг. Сен ўлдирган инсон халқнинг душмани эди. Агар у ўз манзилига етиб борганда икки давлат урушар эди. Неча-неча бегуноҳ қонлар тўкилар, қанча-қанча норасида гўдақлар етим қоларди. Оллоҳ сенинг қўлинг билан унинг гуноҳига яраша жазо берди" - дебди.

Шунда Арслонбек: "Отахон, сизга раҳмат, менга нажот йўлини кўрсатдингиз. Марҳамат қилиб айтинг отахон, сиз кимсиз", деб сўрабди. Кекса киши табассум билан: "Мен Оллоҳнинг қули Хаста Хизрман", - дебди.

Ҳа, азиэллар, интилганга толе ёр. Оллоҳ бизларни ҳам ўз халқи корига ярайдиган қилсин. Қошимиз майин, биз уни силаймиз, ардоқлаймиз. Соқолимиз дағал ва тикка, биз уни майин бўлиб оқаргунча қирамиз. Ўз ватани, ўз халқи қадрини билмаган нонкўрларга Оллоҳ инсоф берсин.

Тилнинг қудрати

Ривоят қилишларича, Абу Лайс жаноблари бир неча юз талаба ўқитар эканлар. Кунлардан бир куни бир талабага "Ўғлим, сиз олим бўлдингиз, сизга рухсат, вақт ганиматлигида сиз ҳам халққа маърифат тарқатинг" дебдилар. Бошқа талабалар ҳайрон бўлишибди, шунда талаба устозидан фотиҳа олиб мадрасадан чиқиб кетаётса, устоз шогирдининг номини айтиб чақирибди. Шогирд устозига ўгирилиб қараган экан, устоз бошини ушлабди, шунда шогирд тилини чақариб ўз йўлида давом этибди. Бошқа талабалар аччиқланиб, устозни беҳурмат қилди дейишибди. Устоз эса кулиб, бу шогирдим охири имтиҳондан ўтди дебди. Чунки мен "бошни ким өйди" десам, у "тил өйди" деб жавоб қилди. Тилимиз ярим ризкимиздир. Тил дўстни душманга, душманни дўстга айлантира олади.

Ривоят қилишларича, Баҳром шоҳнинг учта ўғли бўлган экан. Баҳром шоҳ тириклигида фарзандларидан бирини тахтга ўтқазиб, хотиржам бўлмоқчи бўлибди ва уларни синамоқ учун шундай дебди:

"Ўғилларим, менга дунёдаги энг кучли, ўта ширин ва энг ёқимли лаззатбахш нарсани топиб келинг". Йигитлар ўша нарсани излаб чиқиб кетишибди. Бири май, иккинчиси асал олиб келибди. Кенжаси эса тил кўтариб келибди. Шоҳ сукут сақлаб ҳаммасини қабул қилиб олибди, ва дебди: "Энди менга тигдан ўтқир, заҳардан кучли, энг аччиқ ва энг зиёдли нарсани олиб келинг".

Ҳамма ўғиллари тарқабди. Кенжаси яна тил олиб келибди. Баҳром шоҳ кенжа ўғлини тахтга лойиқ деб топибди. Чунки тилдан кучли нарса йўқ.

Эй, тенгсиз Қудрат эгаси Оллоҳим, бизга тилни неъмат қилиб берибсан. Энди шу тилни элга заёни тегадиган тиг бўлишидан асрагин.

Нопок шогирд ўлими

Луқмони Ҳаким ўз ҳаололиги ва ўта камтарлиги ҳамда Оллоҳ берган кучли истеъдоди билан бутун халққа танилиб, ҳакиму табиблар пирига айланган эканлар. Бу улуг инсоннинг бир неча шогирдлари бўлиб улар ичида Абу Толиб исмлиси барча шогирдларга халифа экан.

Кунлар ўтиб Абу Толиб ман-манлик отига миниб, шайтонга ошно бўлибди. Ҳатто устозни ҳам назари илмай қолибди. У ҳамма жойда мақтанар, устозидан ўзиб кетганини кўз-кўз қилар экан. Бу гапларни Луқмони Ҳакимга ҳам бир неча бор етказишибди. Лекин устоз оҳиста табассум қилар ва "тўғри, шогирдим мендан ўзиб кетган, мен бундан фахрланаман", деб қўя қолар экан.

Кунлардан бир кун подшоҳ мажлисида Абу Толиб мақтаниб турса, бу ерга чақирилган Луқмони Ҳаким ҳам келиб қолибди. Лекин Абу Толиб устозини менсимай мақтана берибди. Илм мажлисини тинглаб турган шох Луқмони Ҳакимга юз буриб дебди:

- Эй Ҳаким, сизни ўлимдан бошқа дардга даво топган инсон деб билар эдик, наҳотки шогирдингиз сиздан устун бўлса...

Луқмони Ҳаким дебдилар:

- Тўғри, шогирдим қанча ўниб ўсса мен хурсандман, чунки бу менинг мевам.

Шоҳ:

- Йўқ, Биз буни амалда кўришни хоҳлаймиз. Иккингиз бир-бирингизга қарши заҳар тайёрланг. Ким тирик қолса ўша кучлидир.

Луқмони Ҳаким сукут сақлабдилар, лекин шогирд дарров рози бўлибди ва уч кунга муҳлат сўрабди. Мажлис уч кундан кейин йиғилиш шарти билан тарқалибди.

Шогирд уч кунда шундай бир заҳар тайёрлабдики, унинг бир томчисига фил ҳам бардош бера олмас экан.

Луқмони Ҳаким ҳам шу заҳарга қарши дори таёрлаб, битта катта одам сиғадиган хумчага сут тўлдиртириб, тўртта қулга кўтартириб, мажлисда ҳозир бўлибдилар.

Шогирд ўзини намойиш қилиб тайёрлаган заҳарининг бир томчисини ерга тўкибди, заҳар ерда қайнаб бир газ ерга кириб кетибди. Буни кўрган Луқмони Ҳакимнинг душманлари хурсанд бўлишибди.

Луқмони Ҳаким хотиржам ечиниб сут тўла хумга тушиб, ушбу заҳарга қарши тайёрланган дориларини ичиб устидан шогирдлари тайёрлаган заҳарнинг ҳаммасини ичибдилар ва сут ичига кирибдилар. Заҳар таъсиридан хумдаги сут яшил рангга кирибди. Шу заҳоти бошқа содиқ шогирдлари хум ичидаги Луқмонни кўтариб уйларига жўнашибди.

Эртасига мажлис яна йиғилиб, Луқмони Ҳаким

уйидан хабар кутишибди. Шу пайт сал ранги сарғайган Лукмони Ҳаким мажлисга етиб келибди. Ҳамма эсанкираб қолибди, чунки шундай кучли заҳар ичиб тирик қолишига ҳеч ким ишонмаган эди.

Мажлис аҳли Лукмони Ҳакимни тирик қолгани билан табриклардилар.

Подшоҳ ҳам Лукмони Ҳакимга қойил қолиб, энди шогирдига қарши заҳар тайёрлашни буюрибди. Шунда Лукмони Ҳаким шоҳга ва илм мажлисига дебди:

- Майли, мен енгилдим, шогирдимга заҳар тайёрламайман.

Шунда шогирд дебди:

- Йўқ, заҳар тайёрланг. Эҳтимол мен ҳам тирик қоларман, унда жанг яна давом этади.

Лукмони Ҳаким дебдилар:

- Унда заҳар қирқ кунда тайёр бўлади.

Шоҳ ҳам, мажлис аҳли ҳам рози бўлишибди ва қирқ кундан кейин йиғилишга келишиб тарқалишибди. Лукмони Ҳаким тўртта мардикор ёллабди. Шогирд яшайдиган уйнинг орқасидаги ҳовлини ижарага олиб, мардикорларга кўчага чиқмасликни, уларнинг иккисига тонгдан қоронғугача навбат билан худди бир нарс янчиётгандай бўш қопни уришни, қолган иккитасига қоронғудан тонггача шу ишни такрорлашни буюрибдилар. Бу ҳол қирқ кун давом этибди.

Бечора шогирд қирқ кунгача устоз қандай заҳар тайёрлаётганини билолмай, ваҳима билан кечалари ухлолмай, озиб чўпдай бўлиб, зўрға юриб мажлисда ҳозир бўлибди.

Лукмони Ҳаким қудуқдан тиниқ сув олиб бир чиройли кўзачага қўйиб, дабдаба билан бошқа шогирдларига кўтартириб, мажлисга келибдилар. Оёғида зўрға турган шогирдига раҳми келибди ва юпун, оч, ҳароб ҳолатда шогирдликка келгани, ўз зеҳни билан устозини қувонтирганлари эсига тушиб, кўзига ёш олибди. Шогирди Абу Толибга: "эҳтимол заҳарни ичмасан", дебди. Абу Толиб эса ранги оқариб, қони қочиб кўзачадаги заҳар ўрнидаги сувдан икки қултум ичибдида, секин уни қўйиб жони узилибди.

Бу ҳолга гувоҳ бўлиб турган мажлис аҳли нафрат билан Лукмони Ҳакимга: "наҳот, шундай ёш йигитни ўлдириб юборсанг", дейишибди.

Шунда Лукмони Ҳаким кўзачадаги сувдан бир неча қултум ичиб бунинг оддий сувлигини, шогирди заҳардан эмас, манманлик қурбони бўлганини изоҳлабди. Мажлис аҳли кўзачадаги сувдан татиб кўриб Лукмони Ҳакимга қойил қолишибди.

Ҳа, азизлар, устоз ота қаторидадир, ота-она ва устоз дуоси ижобатга яқиндир. Устоздан фотиҳа олмаган шогирд қадимдан устоз деб тан олинмаган.

Ҳалол лукма

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам катта бир шаҳардан ўтиб кетаётган кезлари бир йигит ул зотга яқинлашиш мақсадини саҳобалардан илтижо қилибди. Саҳобалар йигит илтижосини пайғамбаримизга етказишибди. Шунда йигит байтул молдан эҳсон қилишни сўрабди.

Муҳаммад пайғамбар дебдилар:

- Эй йигит! Тану-жонинг соғми? Оёқ-қўлинг бутунми?

Йигит:

- Ҳа, бутун, соғман, лекин тирикчилик борасида бир оз азият чекапман, - деб жавоб қилибди.

- Сенинг ҳеч нарсанг йўқми?

- Оллоҳим мендаин бир ожиз бандага бор-йўғи битта полос насиба тариқасида улашган. Мен бунга афсус қилмайман, шўрки қишда орасига кириб ётсам, ёзда тагимга солиб ётаман.

Муҳаммад пайғамбар:

- Бўлмаса, шу полос ихтиёрини менга берсанг, - дебдилар.

Йигит рози бўлибди. Пайғамбар полосни "кимошди" савдосига қўйиб 10 риёлга сотибдилар ва 5 риёлга арра ва болта, қолган 5 риёлга емиш олиб берибдилар ва дебдилар:

- Ўтин йиғиб келиб сот, тушган пулнинг ярмини қорнингга ишлат, қолганини эса йиғиб, бир ойдан кейин хузуригга кел!

Йигит ҳар куни эрта саҳардан то қош қорайгунга қадар, баъзан тун бўйи ҳам, саҳродан ўтин йиғиб, куёшнинг тиғи остида йиққан ўтинини арқонга боғлаб, елкасида шаҳарга олиб келиб сота бошлади. Бир ойда 200 риёл тўплаб, пайғамбар ўринларидан туриб, йигитни

кучиб хурмат қилибдилар ва олдиларида турган саҳобаларига дебдилар:

- Ҳар қандай кишининг етти мучали соғ бўла туриб, меҳнатга лаёқатли бўла туриб, шайтонга бўйсунган ҳолатда, дангасалиги ва лаёқатсизлиги оқибатида садақа сўраб тирикчилик қилса, яратган танграмнинг тавқи лаънатига қолур, пешонасига дўзахнинг муҳри босилур. Бу лаънат фақат дўзах ўти билан ўчур холос. Эй азиз саҳобаларим! Эшитинг, ёзинг ва етказинг. Ўз пушти камаримиздан бўлган фарзандларимиз ризқи учун ҳалол меҳнат билан машғул бўлиш ҳам ибодатдир. Нафақат бу дунёни, у дунёни ҳам ўйлангиз.

Олтин олма - дуо ол

Қадим замонда Асад исмли камбағал, лекин софдил ва ҳалол йигит ўтган экан. У бир куни ўз бахтини излаб йўлга тушибди. Узоқ йўл юрибди, бир жойга бориб чарчаб дам олмоқчи бўлиб ўтирган экан, кимдир тушириб қолдирилган халтага кўзи тушибди. Халтани ичи тўла олтин эмиш.

- Эй Оллоҳ, - дебди йигит. Энди бу олтинни қандай қилиб эгасига қайтараман? Халта эгасини қандай топаман?

Асад шу ерда халта эгасини кутиб қолибди.

Халта савдогарлар бошлиғи Бани Аминники экан. У Маккатуллога ўтаётиб халтасини тушириб қолдирган ва бирқанча йўл босгандан кейин эсига келиб, орқага қайтишни лозим топмай, "Оллоҳнинг ўзига омонат, олтиним ҳалол йўл билан йиғилган эди, Оллоҳ хоҳласа, ўрнида турар", - деб йўлини давом этган экан.

Бани Амин Маккатуллони зиёрат қилиб қайтибди. Шу йўлда турган Асадни учратибди. Асад "Оллоҳга шукур, мана олтининг, омонатидан қутулдим, бир неча кундан бери пойлаб ётибман", - дебди.

Бани Амин олтинни олиб, лабини пичирлатиб ўз йўлига равона бўлибди. Асад ҳайрон бўлиб "Ия, бу одам ҳатто раҳмат деб дуо ҳам қилмади-я, бу ким экан" деб Амин орқасидан юра бошлабди. Карвонга етиб келишибди. Амин қараса, йигит орқасидан эргашган. У йигитга қараб лаби четидан табассум қилибди ва: "Эй йигит, сиз ҳалол йигитга ўхшайсиз, менга хизматкор

бўлмайсизми?" - дебди.

Асад бир йил туя етаклабди. Шундан сўнг Бани Амин Асадни ўзига ёрдамчи карвонбоши қилиб олибди.

Вақтлар ўтибди, Асад энди мулла Асадбой номи билан, Бани Аминнинг суюкли қизи Фотимага уйланган, 2 ўғил ва 3 қизли етук одам бўлибди.

Бир куни Бани Амин оғир бетоб бўлиб, Асадни ёнига чорлабди:

- Эй ўғлим, мендан рози бўлинг, қизим ва набираларимни сизга, ўзингизни Оллоҳга топширдим. Бутун молу дунёйим сизга ҳалол бўлсин, меросхўрим сиздай ҳалол инсон бўлганига Оллоҳга шукур, - дебди.

Асад бир дақиқа сукут сақлаб:

- Отажон, бир нарса сўрасам майлими? - дебди. - Сиздан жуда кўп нарса ўргандим, фақат бир нарсага ақлим ожиздир. Нимага сиз шундай олийжаноб одам, сизни ҳалта тўла тиллангизни бир неча кун пойлаб ётганимда ҳатто раҳмат деб дуо ҳам қилмадингиз?

- Эй ўғлим, агар дуо лойиқ одамга пинҳона юракдан қилинса, ижобатга яқиндир деб, сизнинг ҳалоллигингизни кўриб пинҳона: "Эй Оллоҳ, йигит шундай ҳалол бўлса, меросхўр қил", - деб дуо қилдим, орқамдан карвонга келибсиз, аста хурсанд бўлдим. Дуойим ижобат бўлганини бир йил сизни туя етаклатиб, давлат бериб синадим ва сизни ҳақиқий Оллоҳдан тилаган йигит эканингизни билиб, қизимга муносиб кўрдим. Оллоҳга шукур, менинг бойлигим ҳалол қўлда қолади.

Қаноат

Қадим замонда бир подшоҳ бўлиб, унинг беҳисоб давлати ва лашкари бўлган экан. Шоҳнинг бир неча вазирлари бўлиб, буларнинг ичида Абу Ворис исмли вазир билан ёшлиқдан бирга ўсган экан. У билан доимо бирга юрар ва кўп ҳолларда маслаҳат сўраркан. Лекин вазирнинг бир ҳислати подшоҳга ёқмас экан. Буни қарангки, подшоҳнинг бошига нимаики тушса вазир "Оллоҳнинг марҳаматини қаранг" деб жавоб қиларкан. Шоҳни қандайдир азоб ўртаса ёки вужуди танида бирор оғриқ уйғонса ҳам вазир шу гапни такрорлар экан.

Бир куни подшоҳ қўлини кесиб олибди. Абу Ворис

"Эй шоҳим, бу ҳам Оллоҳнинг сизга кўрсатган бир мурувватидир", деб қўйибди. Абу Вориснинг гаплари подшоҳнинг жуда ғазабини кўзгатибди ва беихтиёр жаллодни чақирибди. Унга тонгда Абу Ворис уйдан чиқиши билан "Бошини кесиб олиб кел", деб буюрибди.

Тонг отиб шоҳ жаллодни кута бошлабди. Аммо тушга қадар Абу Ворисдан ёки жаллоддан дарак бўлмабди. Подшоҳ вазирларини олиб Абу Ворис уйига борибди. Қараса жаллод эшик тагида пойлаб турган экан. Подшоҳ уй эгаларидан изн сўраб ичкарига кириб қараса, Абу Ворис қимирламай тўшақда ётган эмиш. Подшоҳ кулиб, "Сенга нима бўлди?" деб сўрабди. Абу Ворис "Қаранг шоҳим, Оллоҳнинг марҳаматини. Эрталаб таҳоратга кета туриб тўғри йўлда қоқилиб оёғим синди" дебди. Подшоҳ яна бир жилмайиб:

- Эй, Абу Ворис, тўғри айтган экансан. Бошимизга ёғилаётган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам биргина Оллоҳнинг инояти экан. Гар шундай бўлмаганида сенинг бошинг танингдан жудо бўларди.

Эй азизлар! Бошимизга келган жамики яхшилик ва ёмонликни яратган Эгамни бизга йўллаганлигини англаб етиб шукур қилайлик. Беш кунлик дунёдаги ҳаётимизни тўқ ва фаровон бўлиши учун интилайлик. Ҳар бир банда босган қадамида Оллоҳни ёд этиб унинг марҳамату иноятдан баҳраманд бўлганлигини тан олган ҳолатда шукрлар қилар эканки, ундай бандага Оллоҳнинг бундан ҳам зиёда муруввати ёғилгай. Инсон интилиб яшар экан унга толе ҳар вақт ёр бўлади. Интилмаган эса у дунё-ю бу дунё ҳор-зорлик ичра азоб чекади.

Савдо ва ҳалоллик

Бир қадим замонда одил подшоҳ ўтган экан. У бўш вақтларида фақирона кийиниб халқ ичига кириб, унинг ҳолидан хабардор бўлиб юрар экан. Бундан подшоҳнинг мақсади ўз ҳудудида адолатсизликка чек қўйиш экан.

Бир куни шундай кийиниб бугдой бозорини айланганида, бир савдогарни кўрибди. Унинг бозори чаққон, ўзи ўта ҳушмуомала, юзидан нур ёғилармиш, тарозисининг палласи эса олтиндан эмиш. Подшоҳ ҳайрон бўлиб савдогарга яқинроқ борибди ва "Бугдой неча пул?" деб сўрабди. Савдогар: "Бир танга-ю чорак",

деб жавоб қилибди. "Буғдойни қаердан оласиз?" деган подшоҳнинг саволига, савдогар "Бир тангадан олисдан олиб келаман" дебди.

Подшоҳ нарироқ борса, яна бир буғдой сотаётган, паллалари ошқовоқдан бўлган савдогарни кўрибди. Қовоқлари солинган, эснаб ўтирган сотувчидан подшоҳ "Буғдой қанчадан?" деб сўраганида, истар-истамас "2 танга" деган жавоб олибди. "Буғдойни қанчадан оласиз?" деган саволга, савдогар "Бир ярим тангадан узокдан олиб келаман" деб ёлғон гапирибди.

Эртасига иккала савдогарни ўз қасрига олдириб келибди ва биринчи савдогардан бир кунда қанча буғдой сотишини сўрабди. Биринчиси ҳалоллик билан ўртача 10 минг кило сотилишини ва шундан икки ярим минг танга фойда қилишлигини, бож солиғини ўз вақтида тўлашлигини айтибди. Подшоҳ иккинчисига ҳам шу саволни берса, у бир кунда ўртача 20-25 кило буғдой сотишини ва тушган фойда тирикчиликдан ортмаслигини сўзлабди.

Подшоҳ кулиб биринчи савдогарни бир йиллик бождан озод қилибди ва ўша бозорга савдогарбоши қилиб сайлабди. Иккинчи савдогарга ёлғон сўзламасликни уқтириб, биринчисидан ўрнак олишни буюрибди.

Эй Оллоҳ! Бизнинг шаҳримизда ҳам тарозиси олтиндан бўлган инсофли савдогарларни кўпайтир. Кимда-ким ўзга шаҳарлардан ўз ҳалки учун зарур бўлган нарсани олиб келиб инсоф билан сотса, тинимсиз ибодат қилганнинг савобини топур. Кимда-ким ўз шаҳридан камёб бўлган нарсани фойда қилиш мақсадида ўзга шаҳарга олиб чиқиб сотса у биздан эмас, деганлар жаноби Муҳаммад соллаллоҳи алайҳи васаллам.

Илон хазинаси

Қадим замонда икки ака-ука яшаган экан. Акаси бой ва хасис экан, укаси эса жуда саҳий ва одил экан. Укасининг бир парча ери ва бир сигири бўлиб, ўзи хотини ва бир фарзанди билан тинч ва аҳил яшар экан. Акаси эса ўз бойлигидан қизғаниб, ҳаттоки уйланмаган экан.

Бир куни укасининг хотини сигирини энди соғиб бўлган экан, бирдан боласи йиғлаб қолибди. Шошилиб

бола томон югурибди. Болани юпатиб сут соғилган челақ томонга қараб юрибди. Не кўз билан кўрсинки, челақдаги сутни бир катта илон ичаётган эмиш.

Яқин атрофда ишлаётган эри илонни кўриб, хотинига "яқинлашма" деб ишора қилибди. Бироздан кейин илон сутни ичиб ўз йўлига равона бўлибди. Деҳқон аёл челақни олиш учун борса, челақ тагида олтин танга ётарди. Эр-хотин ҳар куни сигирни соғиб челақни шу жойда қолдирадиган бўлишибди. Илон ҳам ҳар куни чиқиб сутни ичиб ўрнига олтин танга қолдираверибди. Деҳқон аста-секин бойиб кетибди. Буни кўрган ака ичидан зил кетибди. Хасислик, очкўзлик балоси уйқусини қочирибди. Укасига ўзини дўст кўрсатиб, уни алдаб, бу сирнинг тагига етибди.

Кунлардан бир куни деҳқоннинг хотини сигирни соғиб челақ тўла сутни илон йўлига қўйибди. Буни пойлаб турган ака тез чиқиб уларни бир илтимос билан узокроққа ишга буюрибди. Узи эса ўткир болта олиб илонни пойлаб турибди. Илон ҳар кунгидай хотиржам сутни ича бошлабди. Бой ака пайтни пойлаб болта урибди, илон эса чап бериб бойни чақиб ўлдирибди ва бир қарич думини қолдириб, ўз уйига равона бўлибди.

Деҳқон уйига қайтгач, акаси ўлиб ётганини ва бир қарич думини кўриб, бўлган воқеани тушунибди. Йиғлаб-йиғлаб акасини кўмиб келибди.

Орадан ой ўтгач, илондан дарак бўлмабди ва деҳқон илон яшайдиган ғорга бориб:

- Эй, илон! Сен билан дўст эдик-ку, сенинг олтининг ҳам керак эмас, сенга сут тўла челақ ва биз ҳам интизормиз, - дебди.

Ичкаридан овоз берибди:

- Эй инсон! Сен оқкўнги, сахийсан, сен берган сутингга, мен эса берган олтинимга рози бўлайлик. Сенда аканг фироқи, менда думим алами бор. Сенга душманлигим йўқ. Акангнинг очкўзлиги бошига ётди ва бизни дўстлигимизга нуқта қўйди.

Очкўзлик қанча-қанча инсонларнинг бошига етмади, қанча-қанча одамларни бадном қилмади. Қайси оилада ҳалоллик, аҳиллик бор бўлса, шу ўзи барака ва бойлиқдир.

Жулдур мусофир ҳақи

Ривоят қилишларича Абу Хорис исмли бир ўртаҳол деҳқон ўтган экан. Кунлардан бир кун унинг олдига ўта хароб, оч ҳолатда бир мусофир аёл гўдагини кўтариб келибди ва уйда бир кеча тунаш ва озроқ таом беришлигини сўраб зорланибди.

Абу Хорис аёлнинг кийимига, хароб ҳолатига қараб рад этибди.

Шунда аёл "Оллоҳ ҳаққи, оллоҳ ҳурмати, мен ночорман, оллоҳдан ўзга ғамхўрим йўқ ҳам, бирор меҳрибоним йўқ", дебди.

Бу ҳолни кўриб турган Аббос исмли қўшни йигит:

- Эй мусофир аёл, Оллоҳ ҳаққи, оллоҳ ҳурмати учун бўлса, уйим тўри сеники, менинг азиз меҳмоним бўл, - деб уни уйига чорлабди.

Шу кун Абу Хорис бир туш кўрибди. Тушида бир ажойиб боғ, унинг тўрида эса гўзал қаср қурилаётган эмиш. Шунда Абу Хорис "бу қаср кимники, бунча гўзал", деб сўрабди.

Шу пайт қаср қурилишига бошчилик қилиб турган бир нуруний дебди: "Бу қаср Оллоҳга ва унинг Расулига имон келтирган содиқ Оллоҳ қулларигадир". Абу Хорис хурсанд бўлиб: - "мен ҳам Оллоҳга ва унинг Расулига имон келтирганман" - дебди.

Лекин шунда қария:

Эҳ, ўғлим афсус, буни амалда исбот қила олмадинг, - дебди ва ишни давом эттираверибди.

Абу Хорис чўчиб уйғониб, қўшнисининг уйига югурибди ва Аббосни чақириб: - "Дўстим, меҳмонларингни менга берсанг, мен ҳам меҳмон қилсам" - дебди.

Шунда Аббос: - "Эҳ қўшни, улар кетиб бўлишди, лекин сен кўрган тушни мен ҳам кўрдим. Энди минг тилло сарф қилсанг ҳам бу вазиятни қайтара олмайсан", дея уйига кириб кетибди.

Ҳа, азизлар Оллоҳ шикаста, ночор кўнгиллардадир. Ҳақиқий мухтожни топиб пинхона берилган бир нон дабдаба билан минг тўқ одамни чорлаб зиёфат бергандан Оллоҳ наздида аълодир.

Подшоси одил халқ, сахий мамлакат ҳамиша Оллоҳ паноҳидадир, бу мамлакатга душман ҳам, офат ҳам кўрқинчли эмас, - чунки уни Оллоҳ ўзи асрайди.